

HUQUQ

25

(392)

YURIDIK GAZETA

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan.

www.huquq.uz. E-mail: Info@huquq.uz

Iyun

D.	6	13	20	27
S.	7	14	21	28
Ch.	1	8	15	22 29
P.	2	9	16	23 30
J.	3	10	17	24
Sh.	4	11	18	25
Y.	5	12	19	26

2005

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асосий чекланишига йўл қўймаслик, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси талабларига сўзсиз риоя этиш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини (иловага мувофиқ) фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилсин.

2. Қуйидагилар белгилансин:
тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари, улар томонидан текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти томонидан амалга ошириладиган;

назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгар, ҳатто жиноий жавобгар ҳам бўладилар;

фақат қўзғатилган жиноий иш юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки шундай текширувларни ўтказиш тўғрисида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарори мавжуд бўлгандагина қонунда қўзда тутилган ҳолларда тадбиркорлик субъектнинг текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатларининггина мўҳобил тарзда текширишга йўл қўйилади.

Мўҳобил текширишларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилсин.

3. Қуйидагилар белгилансин:
давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки шу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг ўрни суд қарори асосида тўла ҳажмда бевоқифа ана шу давлат органлари томонидан, биринчи навбатда, уларнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобига қопланиши лозим;

зарарларнинг ўрнини қоплаш суд қарори билан ана шу етказилган зарар учун айбдор бўлган давлат органларининг мансабдор шахсларига, қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миждорларда юкланиши мумкин;

тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳўжалик низолари ҳўжалик суди ёки ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Олий ҳўжалик суди ва Савдо-саноат палатаси бир ой муддатда белгиланган тартибда «Ҳакамлар суди тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Маҳлиси Қонунийлик палатасига киритсин ва бунда тадбиркорлик субъектлари ҳамда бирлашмаларининг ўзлари томонидан ҳакамлар суди ташкил этилиши назарда тутилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси назорат органлари мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари ҳўжжларини ва қонуний манфаатларини бузганликлари учун жазо муҳаррарлигини, уларнинг ҳатто жиноий жавобгарликка тортилишини таъминлаган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари сўзсиз бажарилиши устидан назоратни кучайтирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қуйидаги қарорларнинг лойиҳаларини тайёрласин ва белгиланган тартибда тақдим этсин:

2005 йилнинг 1 июлигача — тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни тайинлаш ва ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарор лойиҳаси. Бунда текширишлар сонини кескин камайтириш ҳамда назорат органлари мансабдор шахсларининг рухсат берилмаган текширишлар ўтказилганлиги учун жавобгарлигини кучайтириш, ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш назарда тутилсин;

2005 йилнинг 1 августигача — айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун рухсат олиш тартиб-таомилини қисқартириш ва соддалаштириш, шу жумладан, муддатлари чекланмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга лицензиялар (рухсатномалар) бериш тизимини жорий этиш, жумладан, шундай таомилни амалдаги лицензиялар (рухсатномалар)га ҳам таъбиқ этиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси.

(Давоми 2-бетда).

27 июн — Матбуот ва оммавий
ахборот воситалари ходимлари куни
Байрамингиз
муборак бўлсин,
азиз ҳамкасблар!

АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида олиб борилаётган текширув ишлари ҳамда Андижон шаҳри ва Андижон вилоятида вазиятни барқарорлаштириш юзасидан Ўзбекистон ҳукумати кўраётган чора-тадбирлар мониторингини амалга ошириш бўйича мамлакатимизда аккредитация қилинган хорижий дипломатик корпус вакилларида иборат ишчи гуруҳининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув ишчи гуруҳининг иш режасига мувофиқ ўтказилди.

Унда мамлакатимиз Бош прокуратурининг биринчи ўринбосари Анвар Набиев ишчи гуруҳи аъзоларини 13 майда Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари билан таништирди.

Ишчи гуруҳи аъзоларига юз берган фожеали воқеалар хронологияси тегишли тергов материаллари асосида тақдим этилди.

Терговнинг ушбу босқичидаги материаллар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Андижон воқеалари халқаро радикал кучларнинг олдидан пухта режалаштирилган ва конституциявий тузумни куч билан ағдариб ташлаш, келажақда халифалик ташкил қилиш мақсадида амалга оширилган ҳаракатдир.

Тергов террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун ўзини «Туркистон ислом ҳаракати» деб атовчи (собик Ўзбекистон Ислон ҳаракати), «Ҳизб ут-Таҳрир» ва унинг тармоқларидан бири — «Ақромийлар» каби халқаро террор-

чилик ташкилотлари жалб қилинган тўғрисида рад этиб бўлмайдиган маълумотларга эга.

Босқинчилар учун қурол-аслаҳанинг муайян қисми Андижонга улар ҳужум бошлашдан олдин четдан келтирилган ва террорчилик ҳаракатларида хорижий давлатлар фуқаролари иштирок этган. Террорчилик ҳаракатлари натижасида жами 176 киши ҳалок бўлган, шундан 79 нафари террорчилардир. Тўқнашув оқибатида террорчилар қўлида 20 нафар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими, 11 ҳарбий хизматчи, 45 нафар тинч аҳоли вакили қурбон бўлган. 21 марҳумнинг шахси аниқланмоқда.

Ярадорлар — 295 нафар. Улардан 62 нафари — террорчилар, 47 нафари — ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими, 35 нафари — ҳарбийлар, 18 нафари — тинч аҳоли вакиллари, қолганларининг террорчилик ҳаракатларига алоқадорлиги аниқланмоқда.

Тартибсизликлар давомида ёқиб

юборилган ва зиён етказилган автотомобиллар сони — 73 та, бинолар эса 20 та. Етказилган зарарнинг умумий қиймати 3 миллиард сўмдан ошади.

Террорчилик ҳаракатларининг ташкилотчилари ва молиявий манбаларини ҳамда Ўзбекистондаги вазиятни издан чиқариш ва унинг халқаро обрўсига путур етказишдан манфаатдор шахсларни аниқлаш юзасидан зарур чоралар кўрилмақда.

Келтирилган маълумотлар дастлабки тергов натижаларидир. Шу муносабат билан Бош прокуратура раҳбарияти ишчи гуруҳи билан яқин алоқада иш олиб бориш, мониторинг қилиш ҳамда ҳолис баҳолаш учун унга жиноий иш билан боғлиқ зарур материалларни тақдим этишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Илҳом Нейматов иштирок этди.



Улгурмаган
бўлсангиз, ҳали
вақт бор

«Ниқу» газетасига
2005 йилнинг 2-ярми
учун обуна давом
этмоқда.

Индексимиз: — 231

Обуна бўлишга шошилинг!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давом. Боши 1-бетда).

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ҳужжалик суди ва Олий суди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2005 йилнинг 1 июлига қадар:

ушбу Фармоннинг 1-бандида назарда тутилган тоифадаги ишларни қўриб чиқиш тартиб-таомилини янада такомиллаштириш ва соддалаштириш бўйича;

ҳужжалик судларига даъво тақдим этилиши чоғида тўланадиган хорижий валютдаги давлат божи ставкаларини миллий валютадаги давлат божларининг амалдаги ставкалари билан унификация қилиш бўйича; суд ишларининг қўшимча тоифаларини ҳисобга олган ҳолда судлар таркиби ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш масалалари бўйича судьяларни қайта тайёрлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тўғрисида;

Қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Мақзур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А.Худайберганов зиммаларига юқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2005 йил 14 июнь.

И. КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли
Фармониغا илова

Тадбиркорлик субъектларига нисбатан фақат суд тартибидида қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари РЎЙХАТИ

1. Фаолиятни тугатиш.
2. Фаолиятни тўхтатиб қўйиш. Фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига бошқа ҳаққий хавф-хатар юзага келишининг олдини олиш муносабати билан фаолиятни кўпи билан ўн иш кунигача тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно.
3. Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш борасида аниқланган ҳоллар бундан мустасно.
4. Молиявий санкцияларни қўллаш. Солиқ ва йигимларни тўлаш мuddатини ўтказиб юбор-

ганлик учун пеня қўйиш, шунингдек тадбиркорлик субъекти содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбдор икдор бўлиш ва молиявий санкция жарималарини ихтиёрий равишда тўлаш ҳоллари бундан мустасно.

5. Ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш.

6. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шугулланиш лицензиялари (рухсатномалар)ни ўн иш кунидан кўпроқ мuddатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комиссиялари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар бундан мустасно).

СЎЗ — ОТИЛГАН ЎҚ

Яқинда бир танишимни учратиб қолдим. ТошДўнинг филология факультетини битириб, республика газеталарида ишлаб юрарди. Ижарада яшаб қийналган, Сирдарёга кўчиб кетди. Виллоят ҳокимлигида ишлади. Бугун у ҳам газета очилиш тарафдодига тушиб қолди. «Боглаб юрган бир новвосим бор. Сотиб хусусий газета очмоқчиман. Ўғлим компютернинг «тили»ни билади. Хотиним туман газетасида ишлаган. Баъзилар газета чиқариб жарақ-жарақ пул топаётти-ку», — деб қолди.

Бугун газета чиқариш қаҳрамонлик ҳисобланмайдими. Тўғриси тўрт-беш сўм пулни берсангиз, рўйхатдан ўтказиб, газетанинг гувоҳномасини қўлингизга тутқазадиган азаматлар топилади.

Сўнгги маълумотларга қараганда, мамлакатимизда 650 та газета рўйхатга олинган. Кунига 10 та газета очилиб, 10 таси ёпилса ажабланимай қўйди.

Энг қизиғи, айрим ҳамкасбларимиз ўзларича янги мақол яратган. «Одамдан одам, газетадан газета пайдо бўлади». Бу гапларда ҳам жон бор. Улар нуфузли газеталардаги яхши мақолаларни олиб, ҳатто расмигача уялмай босиб қўяди. Интернетдан сўнгги хабарларни олишадди. Россиянинг айрим нашрларидан таржима қилишадди. Қараб-сизки, газета тайёр. Битта хонада, битта компютерда газета «ясаш» мумкин. Сотиш ҳам муаммо эмас. Қора бозорда газета билан бизнес қилаётган азаматлар бир зумда виллоятларга етказишадди. Янгасига ўйнаш, онасини ўлдирган гўёханд ва бошқа шунга ўхшаш шов-шувли тўқима мақолаларни ётиб қўйдиган газетачилар ҳам мавжуд.

Газета чиқариб энга манзур қилган ҳамкасбларимизга қандингизни

уринг деймиз. Ўзганинг боғидан мева ўйирлаб сотиш эса гуноҳ. Жаҳон журналистикаси тобора ривожланмоқда. Журналистлар дунёнинг оловли нуқталаридан репортажлар тайёрлашяпти. Ироқдаги фожеалар, Фаластин ва Исроил муносабатларига боғлиқ муаммолар ҳар кун шарқлаб боришмоқда.

Ўзбек журналистикасида муаммолар кўп. Ҳатто дунёнинг ривожланган мамлакатларида Ўзбекистон газеталарининг муҳбири йўқ. Оқибатда хабарлар хориқ оммавий ахборот воситаларидан олинмоқда.

Марказий газеталаримиз яқинда ва душанба кунлари нашр этилмайди. Натигада муштарий ҳафта давомидаги сўнгги хабарларни шанба кунини кўйди. Газета жума кунини тайёрлаганда. Халқ шанба, яқинда ва душанба воқеаларидан сешанба кунини хабар топади. 26 миллионли аҳоли ахборотлардан ана шундай «баҳраманд» бўлади.

Тилимизда бўшлиқ деган сўз бор. Аслида бўшлиқ ўз-ўзиндан пайдо бўлмайди. У пайдо бўлдики, ўрнини бошқа нарсаси эгаллайди. Яхшилик ўрнини ёмонлик, очкин ўрнини қора ва ҳоказо.

Миллий журналистикamızда ҳам анчагина бўшлиқ пайдо бўлган. Бундан фойдаланган хориқлик ҳамкасбларимиз ўз давлатининг мафкурасини Ўзбекистонликларга турли нашрлар орқали ташқиштиришмоқда.

Яқинда матбуотда олий журналистика курсини ташкил қилиш тўғрисида ҳукумат қарори эълон қилинди. Уйлаймизки, бу ишлар Ўзбек журналистикасида бурчилик ясайди.

Зайинддин МАМАДАЛИЕВ, бўлим муҳаррири

Аҳилликдан бошланган ютуқ

Инсоният яралибдики, ҳаётдан завқ олиб яшашга иштиёқли. Ана шу иштиёқлар инсонни кўзлаган манзилга олиб боради. Бу йўлда у турфа воқеаларнинг шохиди бўлади. Аччиқ хотиралар унут бўлса-да, ширин хотиралардан инсон ҳеч қачон воз кечолмайди. Зеро, инсон умри ҳам ана шу хотиралар билан ўзгаради.

Бундан 12 йил аввал ТошДў (ҳозирги ЎЗМУ)нинг филология факультетида ўқиган киришим мен учун унутмас кунлардан бири бўлган эди. Факультетнинг бешинчи курсида ўқиётганимда «Нидиқ» газетаси тахририятига ишга қардим. Бу менинг мустақил ҳаётга илк қадамим эди. Қадамим тўғрисида эълонга ишбатиди. Соғлом муҳит барқарор бўлган бу жамоа фаолиятининг илк кунлариданоқ мени илқ қарши олди. Ана шунда менга яна бир унутмас кун ҳади этилганига ишондим. Бу ер ҳаётимда яхши томонга кескин бурчишлар ясади десам, асло мулобага бўлмайди.

Нозик нисолнинг қандай ўсиши унинг боғбонига боғлиқ дейишди. Тахририятдаги файзли ижодий муҳит мени тобора ўзга жалб эта бошлади. Соғлом фикр, соғлом гўя эгалари бўлиши жамоадорларимни устоз деб билидим. Беғариз ёрдами ва йўл-йўрқлари билан улар қаторидан жой олдим.

Умр оқар сув экан, бу ерга ишга келганимга ҳам 7 йилдан ошибди. Фаолиятимиз мобайнида биринчи ака, биринчи сингли, биринчи ука бўлиб, бири-биримизга қўмақлашиб келмоқдамиз. Аҳилликда гап кўп деганларни бор гап. Илгануванликни байроқ қилиб олган жамоа нисбатан қисқа давр ичида «Нидиқ» мактабини яратибди. Бугун биз ҳуқуқчилар ана шу мактабни ўнатишганимиздан faxрланамиз.

Байрам баҳона тиниб-тинчмас, кўч-найратга тўлиб ижод қилаётган устозларимиз ва касбодорларимиз самимий тилакларимизни илганамиз. Уларга ижодий баркамоллик тилайман.

Фазилат ЁДГОРОВА,
бўлим муҳаррири

ХОЛИСЛИК МУҲИМ



Матбуотда қисқа вақт ишлаётганимга қарамастан журналистиканинг қўллаб қўзқарли жиҳатларига дуч келдим. Баъзи масалалар борасида бизга таълим берган домларар ҳеч нарсаси айтмаганидиган ҳайрон бўлдим. Журналистика назарияси ҳар доим ҳам тажриба билан мос келавермас экан. Бунинг сабаби, менимча, бошқа соҳалар каби журналистика ҳам тараққиёт билан ҳамқадам шиддат билан ўзгариб бораётганидир. Соҳанинг яқин тарихига назар солидиган бўлсак, бугунгисини билан тўздан фарқ қилади. Бугунги журналистиканинг илгаригисига қараганда ютуқлари ҳам, муаммолари ҳам талайгина.

Ютуқларга келсак, ҳозир мамлакатимизда чоп этилаётган нашрлар сони деярли мингтага етиб қолди. Хусусий радио ва телеканаллар биз учун аниқлик эмас. Уларнинг сифати ҳам яхшиланиб бормоқда. Журналистлар аралашуви билан тикланган адолат ва ҳуқуқ борасида юзлаб мисолларни келтириш мумкин.

Муаммолар эса, фақат бизда эмас, балки бутун жаҳон журналистикасида кўзга ташланади. Замонавий ОАВда журналистлар шахсий фикрини ҳаддан ташқари қўчайтириб юборишди. Мақзур касбнинг энг муҳим жиҳати ҳисобланмиш холислик иккинчи даражали бўлиб қолди. Журналистда фақат информация бўлиши керак. У ушбу информацияни бошқалари билан тақдослаб бўлган, воқеага объектив ёндашган ҳолда чиқиш қилиши шарт. Акс ҳолда информация тўқашувлар ва журналистикада коррупция авж олиши мумкин. Журналист маълум бир масала юзасидан кўрган, эшитган битта-иккита хабарни эмас, балки атрофлича ўрғанилган кенг қўламдаги информацияни узастиҳи даркор. Шундагина ахборотни қабул қиливчилар ушбу воқеа юзасидан ҳулоса чиқаришга қийналмайди.

Виктор Гого айтганидек: «Синё бор экан, қоғоз қораланаверади». Машаққатли ва ўта масъулиятли касбини танлаган журналистларга, яъни ҳамкасбларимизга тилагим, қаламимиз тобора харҳланиб бораверсин. Журналистлар фақат эзгуликка хизмат қилсин.

Жаҳонгир МАХСУМОВ,
муҳбир



ариққа шўнғиб-шўнғиб оларди. Бунинг роҳати ва завқи ўзгара бошлади. Шундай кунларнинг бирида шаҳардан амаким таътилга келди. Ўзи билан қармоқ ҳам ола келган экан. Мен шу вақтгача қармоқ нималигини билмасдим. Иккаламиз боғимиздан қувалчанг қазиб олиб, ариқ бўйига чиқдик. Амакимининг омади чопармади. Мениннг қўлимдаги қармоқнинг пўкаги эса ўйнаб-ўйнаб сув тагига қириб кета бошлади. Нима гап эканлигини англамасимдан амаким:

— Торт, торт, — деб бақарди.

Аксига олиб мен ҳажонларини қолгандим. Беш ёшли болакайнинг қўлидаги қармоқ лапанглаб тобора тортилиб борарди. Мен кучим борича қармоқни тортидим. Сувдан тилладек товланиб қип-қизил балиқ чиқиб келди. Ерга тушган у салпиб қизқишсини оширди. Шу тарика мениннг очиллик фаолиятимга асос солинди. Амаким билан жуда қалли бўлиб қолдик. Кечаси сўйда ётиб омондаги юлдузларни биргаликда томоша қилардик. Амаким менга юлдузлар ҳақида, ер қурраси ҳақида тинмай гапириб берарди. Сўнғий йўлдошнинг чексиз фазода кезилиши томоша қилиш мендек мураккаб бола учун гўят сирли туюларди. Бола эмасманим, саволларим кўп эди. Шаҳарлик амаким эса уларнинг барчасига жавоб топиб бера оларди. Кўп ўтмай менга

қатор харфлар ёзилган бир варақ қоғоз бериб, «Бунинг ўрганишинг керак», деди. Ёш бўлсам-да, икки-уч кунда ҳамма харфни ёдладим. Муқофотиға расмларни кўп эртанг китоб олдим. Дастлаб ҳўжжалаб ўқий бошладим. Қийналмаслигим учун амаким ёрдам бериб турди. Шу тарика кенжа ботиринг қарамонликларини-ю, қулса гул, йилгаси дур сочувчи маликаниннг саргузаштлари билан танишиб олдим. Бу олам мени шўналича қизқитириб қўйгандики, ўзимни Қўққофдаги девлар билан курашувчи пахлаводдек ҳис қилардим. Менга есаб берилган ёғоч қилич, ёғоч от билан жўжоронинг кезардим. Тик, узун ва қалли бу «чангалзор» тезда қиличм қарбидан яқсон бўлди. Қарбидан келиб қолган амаким бу ишим учун тўндек бериб, жўжорининг қарбдан келиб қолганини сўзлаб берди. Кўп ўтмай амакимининг қўлини тугади. У шаҳарга қайтиб кетгач, ичкики хасталиқни қолдирди. Уч-тўрт кундан кейин отам мени етаклаб амаким ишлайдиган даргоҳга олиб борди.

— Сента ўрганиб қолган экан, борамиз деб туриб олди, — деди отам салмоқлаб.

Қулиб турган амаким эса мени ишхонаси билан таништирди.

— Бу ерда газета чиқади. Мана бу одамлар журналистлар дейилди, — деб қўрсатди амаким.

Бу ўрашув менда катта таассурот қолдирди. Сал ўлғайгач, журналист деганида ҳамма нарсадан бохабар, зиёли, шарафли касб соҳибларини тушуна бошладим. Менда ҳам амакимдек журналист бўлиш орузиси тўғилди...

Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ,
бўлим муҳаррири

«НУҚУҚ» МЕҲМОНИ



пинжиги кириб, «Сени унутмайман» деганга ўхшаган гапларни қилган бўларди. Бу ерда Қумуш қайнотасидан уялгандан шундай қилган. Улим билан олишиб ётган аёл қайнотасининг олдида чўзилиб ётишдан уяларди. Миллийлик деб мана шунга айтади.

Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романида ҳам қизиқ бир эпизод бор. Асарнинг бош қаҳрамони — жуда шўх йигит бировнинг қизини тўй бўлаётган жойдан ўғирлаб кетади. Албатта бу ўзбекчиликка тўғри келмади-ку, бошқа жиҳати бор. Икки ёш канал қурилишида, бировларнинг уйда яшаб юришади, аммо, йигит қизнинг қўлини бирор марта ҳам ушламайди. Чунки никоҳсиз бировнинг қизига тегиш ҳукм эмас.

ёнинг орасида отаси билан онаси ҳам бор эмиш. Ханжарини яланғочлаб югурса, ёв қочибди. Кейин гулзорга сигир бостириб кирибди. Чўчи уйғонади. Ёв хавфи бор дегани тушунарли. Демак бошида қанақадир хатар бор. Унда отаси билан онаси нима қилиб юрибди. Гап шундаки, уни Зайнабга уйланишига отаси билан онаси мажбур қилишган. Улар ўзлари билмаган ҳолда, ҳам Қумушнинг ўлимига, ҳам Отабекнинг фожеасига сабабчи бўлишди. Сигирнинг яқинига борса, сариқ сочи алвастига айланиб қолибди. Бу энди Зайнаб. Бунақа ҳолатлар ёзувчиликнинг касб сирлари ҳисобланади. Баҳонада сизлар билан бу сирларни ўртқоқлашгим келди.

тушади.

Энди азиз ҳамкасблар, суҳбатимиз сўнгига сизларга «Дафтар хошиясидаги биткилардан» айримларини ўқиб берсам.

ТОРТИШ КУЧИ

Оёғи ердан узилган одамларни кўрсам, нуқул бир гапни ўйлашман. Яхшиямки Оллоҳ ерга тортиш кучи деган қудратни ато этган. Бўлмас инсоният аллақачон коинотда қум заррасидек йўқ бўлиб кетарди.

ГИЛДИРАК

Гилдиракнинг яратилиши дунёдаги энг катта кашфиёт бўлган. Аммо гилдиракни кашф этган одам, уни тўхтатишни ҳам ўйламаган бўлиши мумкин эмас. Устоз Озод Шарофиддинов шунчаки, кези келганда айтган бу гапнинг тағида қандай теран маъно борлигини кейинроқ тушундим. Гилдирак инсоннинг узоғини яқин, оғирини

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ
ЎТКИР ҲОШИМОВ ТАҲРИРИЯТИМИЗ
МЕҲМОНИ

Миллийлик ва адабиёт

Абдуҳалиқ АБДУРАЗЗОҚОВ:
— Ҳурматли ҳамкасблар. Бугунги меҳмонимиз Ўзбекистон халқ ёзувчиси, сеvimли адабиётимиз ўтқир ака Ҳошимов. Мен бекорга сеvimли деган иборани ишлатмадим. Зеро, ёзувчи ёки шоирлар ҳақида сўз кетганда бешпийёр бирорта сифат ишлатамиз. Шу маънода ўтқир акага нисбатан доимо сеvimли деган сифатни ишлатгим келади. Дарҳақиқат, ўтқир ака ўзининг ажойиб ҳикоялари, қисса-ю романлари билан халқимизнинг сеvimли ёзувчиси айланган. Шунинг учун ҳам бу кишини сизларга таништириб ўтиришимиз ҳождати йўқ деб ўйлайман.

Энди ижозатингиз билан сўзни сеvimли адабиётимизга берсак-да, суҳбатимизни бошлашсак.

Ўтқир ҲОШИМОВ:

— Раҳмат. Очигини айтишим керак, бугунги кунда жиддий газета билан журнал чиқариши осон эмас. Шунинг учун ҳам рамазий равишда «сарик» дея аталувчи нашрлар қаторида ўзининг салмоқли, таҳлилий мақолалари билан дадил қишлар қилиб, халқимизнинг кўнглини олаётган нашрлар ҳақида илиқ фикрларни билдириши мумкин. Жумладан, сизлар ижод қилаётган журнал билан газета ҳақида ҳам. Бу иккала нашр мен учун бегона эмас. Уларни ташкил этилган пайтдан бери биламан. Ҳатто «Қонун ҳи-моясид» журналининг биринчи — нишона сонида «Қатағон» номли асарим ҳам босилган эди. Мана энди, ўтган салкам ўн йил мобайнида газета ҳам, журнал ҳам ўз ўрнига эга бўлгандан жуда хурсандман.

Энди суҳбатимизни савол-жавоб қисмига ўтсак ҳам бўлар. Сизларни қизиқтирган қанақа саволлар бўлса жавоб беришга тайёрман.

Жаҳонгир ШАРОФБОВ:

— Ўтқир ака, сўнгги пайтда адабиётимиз миллийликдан узоқлашиб кетмаётганими? Умуман миллийлик деганда нима ни тушунаси?

Ўтқир ҲОШИМОВ:

— Тўғри таъкидладингиз. Ҳақиқатан адабиётда миллийлик деган тушунча бор. Афсуски сўнгги пайтда адабиётда, умуман ҳаётда миллийликдан узоқлашиб бормоқда-миз. Назаримда миллийлик Абдулла Қодирийнинг ижодида кучли акс этган. Тўғри, Саид Аҳмад акада бу руҳ кучли, Одил Ёқубовда ҳам

бор. Мен прозани назарда тутмоқдаман. Гафур Ғулломнинг асарларида ҳам, кейинги авлод адибларида ҳам шундай ҳолат бор. Аммо мен энг кучли миллий ёзувчи сифатида Абдулла Қодирийни танийман. Бу адибнинг асарларидан ўнлаб, юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, «Ўтган кунлар»ни олсак. Эсингизда бўлса бу асарнинг бошида Отабек Марғилондаги мусофирхонадалигида, унинг ёнига Зиё шохичининг ўғли Раҳмат тоғаси Ҳомид билан кириб келишади. Шунда ичкаридан кекса бир киши чиқади. Отабекнинг «Ота, тузукмисиз?» деган саволига қария: — Раҳмат, бегим. Тузукман, — дея жавоб беради. Шунда Отабек ундан агар иложи бўлса чой қўйиб беришини сўрайди. Қария қичиб кетгач, меҳмонлар унинг кимлигини сўрашади. Шу ўринда ёзувчи битта гап ишлатган: «Отабек қарияни узоқлиб, сўнгга овозини пасайтириб, «Қулимиз» деди». Уринли савол туғилади. Отабек нима учун шундай қилди?

Гап шундаки, Ҳасанали ҳақиқатан ҳам унинг қули. Отабекнинг бобоси уни сотиб олган. Шундай бўлса-да, Отабек қариядан уялиб, ўзидан узоқлаштириб, овозини пасайтириб жавоб қилди. Унинг бундай қилишига асосий сабаб, Отабек ўзбек. Ўзбек бўлгани учун ҳам Ҳасаналининг ёшини ҳурмат қилди. Қолаверса, Ҳасанали унга оиласининг аъзосидек бўлиб қолган. Ёки яна бир мисол. Отабек Зайнабга уйландиган бўлди. Қумуш бундан хабар топиб, йиғлаб ўтирганда Отабек келади. Қумушни бу аҳволда кўргач, ота-онасининг гапига кириб, уни бахтиқаро қилаётганини ҳис этиб, ўзининг ҳам дили оғрийди. Шунда Қумуш «Мен розиман. Мен қўндим» дейди. Ёзувчи Қумуш бу гапни бир нарсадан кўрқандек, шошибди айтиб дея тасвирлайди. Албатта, Қумушга бу гапни айтиш осон эмас. Агар бугунги кунда шундай бўлса, хотин эрини юмма талайди. Судга беради. Қумуш бўлса ундай қилмади. Нима учун дейишгилар мумкин. Бу ерда гап унинг забунлиги, мутелиги ёки қуллигида эмас. Балки Отабекни жуда ҳам яхши кўргандан, унга ишонгандан шундай дейди.

Бу асарда яна бир таъсирли эпизод бор. Зайнаб Қумушни захарлади. Қумуш уяляпти. Отабек унинг ёнида ўтирибди. Шунда Юсуфбек хожи кириб келади. Жони узилиш арафасидаги Қумуш уни кўриб ўрнидан туриб, рўмолини тузатмоқчи бўлади. Агар бошқа миллат вакили бўлганда, эр-хотин бир-бирининг

Ҳолбуки олиб қочиб кетган.

Гафур Ғулломнинг «Менинг ўғригина болам» деган кичкинагина, лекин жуда эр ҳикояси бор. Ойдин кеча. Кампир дунёнинг ташвишларидан қарчаб, нос чекиб ўтирибди. Шу пайт томда ўғри пайдо бўлади-да, бошқа жой қуриб қолгандек кампирнинг рўпарасига келганда аксириб юборади. Уни кўрган кампир: «Болам, ишинг нозик бўлса, тумовингни уйга ташлаб чиқсанг бўлмайми?» деса, ўғри: «Буви, сиз ҳам тирикчилигимизга халал бермасдан, ётиб ухласангиз бўлмасмиди?» — дейди. Бундан ҳам қизиги — кампир: «Анави ердаги тутдан осилиб тушгин. Битта тўнка бор. Ўшандан икки-учта пайраҳа учириб бергин. Чой қўямиз-да, битта зогора номин бор, бўлиб еймиз» дейди. Ўғри: «Буви, мен бундан уялман, андиша қиламан. Таниб қоласиз», — деб жавоб беради. Ўзбекнинг ўғрисию андишали. Соф миллий характер деб шунга айтади. Бундай мисолларни ўнлаб, юзлаб келтириш мумкин.

Жаҳонгир МАХСУМОВ:

— Ўтқир ака, «Тўшда кечган умрлар» номи асарингизни ўқиганмиз. Нега айнан тўшда кечган умрлар?

Ўтқир ҲОШИМОВ:

— Тўғри, бадий асарларда тўшдан фойдаланиш ҳақида турли гаплар бор. Баъзи китобхонлар бунга тушунмаслиги мумкин. Аммо ҳар бир тушнинг тағида катта маъно ётади. Романининг бундай деб номлаганим ҳам бежиз эмас. Агар аҳамият берган бўлсангиз, бу романда Рустам, Шахноза ва отасининг кўрган тушлари тасвирланади. Шу ўринда яна «Ўтган кунлар»га қайтиш мумкин. Эсингизда бўлса романинг охирида Қумуш фарзандли бўлгани тасвирланади. Отабек уйғута ётади. У ухладими ё йўқ, ўзи ҳам билмасди. Аммо қўнғида бир равшанлик бор эди. Сабабини ўзи ҳам тушунмасди. Бу жуда аниқ психология. Биринчи фарзандини кўрган эркакнинг қўнғида оталик мўҳри пайдо бўлмайди. Унда ҳозирча фақатгина кўвонч бўлади, холос. Бу биринчидан. Сўнг Отабекнинг кўзи иллинади. Кўзини очса-ки, ёнида Қумуш... Зайнаб йўқ. Бунга қанақа тушуниш керак? Бу ҳолатни ёзувчи сифатида таҳлил қилиб кўрдим.

Гап шундаки, Отабек Зайнабнинг уйида ётибди-ю, хаёли Қумушда. Кейин ухлайди. Туш кўради. Гўзал бир гулшанга кирибди. Бу боласи туғилганига ишора. Ёв хавфи бор бўлиб,

Ҳасан НИШОНОВ:

— Ёзувчилар билан ноширлар ўртасидаги муносабат ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдим. Ундан ташқари адибларнинг минглаб нусхада китоблари чоп этилса-да, нима учундир уларнинг ҳаёт тарзида моддий томондан ўзгариш сезилмайди.

Ўтқир ҲОШИМОВ:

— Ҳозирги кунда қалам аҳлини ўйлантираётган савол бу. Бу ҳақда ҳатто битта ҳикоя ҳам ёзувдим. Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунда айтилишича, китоб қанча нусхада чоп этилса, номинандан ўн фоиз қалам ҳақи муаллифга берилиши керак. Демак, масалан китоб ўн миллион сўмга сотилса, муаллиф миллион сўм қалам ҳақи олиши лозим. Шу ўринда бир воқеани айтиб берсам. Ҳориклик меҳмонлар билан Самарқандга борганимизда, «Тиллакор» мадрасасининг ёнида турли китоблар сотилаётган экан. Уларнинг орасида «Тўшда кечган умрлар» номли романимни ҳам кўриб қилиб, биттасини сотиб олдим-да, меҳмонга дастхат ёзиб бердим. У китобни қўлига олиб миннатдорчилик билдирди-да, нусхасига қаради. 75 минг экан.

— Неча пулга олдингиз? — дея сўради. 60 сўмга деб жавоб бердим. У пайтда китоб анча арзон эди.

— Нечта китобингиз чиққан, — дея яна сўради. 50 тадан кўпроқ десам, қанча тиражада деб қизикди. Икки ярим миллион дедим. Бу гапни эшитган меҳмон бироз ўйланиб турди-да, яна қўлини узатди: — Мен икки кундан бери жаноб миллионер билан юрган эканман-у, билмабман-а!

Миллион нусхада китоби чиққан одам Америкада миллионер бўлмаслиги мумкин эмас. У ерда битта китоб қамиди ўн доллар туради. Ҳозир айтганимдек, ўн фоизни оладиган бўлса, демак бир миллион пули бўлади. Ўйлашмича қўриқда айтилган қонун ратификация қилинса, ҳаммаси жой-жойига

енгил қилади. Лекин думалаб кетаётган гилдиракни тўхтатишнинг ҳечам илжи бўлмаса, қандай фожеалар рўй беришини бир тасаввур қилиб кўринг. Сўнг бир гап эсимга тушиб кетди. Мактабда бирга ўқиган учувчи дўстимдан, самолётни бошқаришда энг қийини нима деб сўрасам, қўнш деган эди. Бас, маълум бўлдики, ҳатто энг эзгу ишни ҳам аввал оқибатини ўйлаб, кейин қилиш керак.

КАТАЛИЗАТОР

Бошингизга оғир синов тушса кўп нарсани йўқотишингиз мумкин. Лекин кўп нарсани ютасиз ҳам. Ким дўсту ким душман, ким содигу ким мунофиқ, ажратиб оласиз. Ишонинг, бу кичкина ютук эмас.

ОХИРИ ҚАНДАЙ БЎЛАРКИН?

Қачондан бери бир саволни ўйланману ҳеч жавоб топа олмаي, қийналаман. Балки Сиз қўмақлашиб юборасиз. Бу дунёда ҳамма нарсасотилди ва сотиб олинди деган ақида билан яшайдиганлар охи-ратни ўйлармикан? Ё дунёга бор-қанда ҳам шайтон билан тил билан жоннингиз, дўзахга чап бераман жаннатнинг энг гуллаган жойидан сотиб оламан деб ишонармикан? Шуларга ўзинг инсоф бер, эй шаратга Эгам!

Табассумга мойил гаплар

БАҲС

— Менинг ўғлим шунақа уdda-бурроки, тегиғромга тушса бутун чққди.

— Менинг ўғлим тегиғромга тушса бир қол ўн орқалаб чққди.

КОСМОНАВТИКА

— Нега ўзбекдан космонавтлар кам чққапти?

— Аллақачон бир эмас, ўнтаси чқққан бўларди-ку, у ёқдан наҳор-ги ошга этиб келиш узоқлик қилад-да!

Ғафуржон АЛИМОВ
ёзиб олди


Муаллиф ҳақида:

Ғафуржон АЛИМОВ Тошкент шаҳрида туғилган. 1986 йилда ТДПнинг бадий графика факультетини тугатган. 1996 йилдан бун «Қонун ҳи-моясид» бирлашган тахририятида масъул котиб. 2001 йили «Мустақилликнинг 10 йилли-ги» кўкрак нишони билан тақдир-ланган.





Саҳифаларимизда Самарқанд вилояти ҳуқуқ-тартибот органлари



Акбаржон АЗИЗОВ,
Самарқанд вилоят прокурори,
Адлия катта маслаҳатчиси

ўрин тутмоқда. Бирок ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш йўлида ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини яхши тушунамиз.

Анджонда юз берган мудҳиш фожеалар халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг асл башарасини ана бир бор бутун дунёга кўрсатди.

Бир қарашда шунчаки дин ҳимоячиси сифатида кўзга ташланганидан, аслида эса қимларнинг-дир манфаатига хизмат қилаётган кўгирчоқ гуруҳлар қай йўл билан бўлмасин Марказий Осиёни, хусусан мамлакатимиз ҳудудини хуружлар майдонига айлантиришга

АДОЛАТ ЙЎЛИ РАВОН БЎЛМАЙДИ

Мамлакатимиз мустақилликда кечаётган қарийб 14 йил бадалида тараққиёт йўлига тушиб олди. Кўз ўнгимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Саноатимизнинг тараққиёти жаҳон саноати тараққиёти билан уйғунлашиб бораётир. Маданият, санъат, спортда ҳам ўзимизга хос мавқеа ва муҳитни яратиб олишга эришдик. Энг асосийси, матонатли, фидойи, Ватанини жон дилдан севувчи замондошларимиз борлигидан кўнглимизда фахр туйғуси уйғонади.

Уз навбатига фуқароларимизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини қонун доирасида талаб қилиш ҳисси яна юқори бўлишига муҳит яратиш энг асосий вазифаларимиздан бўлиб қолмоғи шарт.

Демократик ислохотлар ва иқтисодиётда бозор муносабатларининг ривожланиши барча соҳаларда ижро интизомини кучайтиришни, давлат органлари фаолиятини пухта ташкил этишни ҳамда давлат хизматчиларининг касб маҳорати ва уларнинг шахсий жавобгарлигини оширишни талаб қилади.

Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг жамоатчилик билан ҳамкорлигини кучайтириш, қонунбузилишига йўл қўяёт-


ган мансабдорларга нисбатан муроасизлик муҳитини яратиш чораларини кўриш ҳамон долзарблигига эришмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида жорий йилнинг ўтган даврида муайян ишлар амалга оширилди. Вилоят бўйича жиноятларнинг умумий сони ўтган йилнинг 5 ойига 5,3 фоизга, жумладан оғир турдаги жиноятлар 6,3, ўта оғир жиноятлар 8,7 фоизга камайди. Бунда асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги ҳамкорлиги муҳим

уринмоқдалар.

Элимизда бировга чоҳ қазилган, ўзини йиқиласан, деган нақл бор. Ҳар хил итларнинг ақиллашидан чўчиб, аниқ манзилли катта қарвонимиз шиддатини сусайтирадиган ёхуд танлаган йўлини алмаштирадиган надон йўқ. Кўнгли тусатганини ҳис этишга ва ҳис этганини гапиришга эрк берилган онлар биз учун ҳам, тинчликпарвар халқимиз учун қадридир.

Адолатпарварлиқнинг биринчи муқофоти адолатли йўл тутганликдан мамнунлиқдир. Зеро, адолат йўли қанчалик норавон бўлмасин, эзгу мақсадлар барчамизни шу йўлда бирлаштираверади.



Ёшлик — орзулар фасли. Кўпгина улугъ гоғлар юлдузлар бағрига талпинган ёшлиқнинг беғубор палағида ниш уради. Мамлакатимиз ёшларининг чўқур билим олиб, ижодий фикр юритиши учун янги-янги имкониятлар яратиб берилаётир.



КЕЛАЖАК ЁШЛАРГА МУНТАЗИР

Самарқанд вилоятидаги 82 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида айни пайтда 58.122 нафар йилгит-қизлар билим ва ҳунар сирларини ўрганаётти. Уларга 4885 нафар мураббийлар сабоқ беради.

Болаларни ўқитишда бош масала уларга нима ўргатилаётганида эмас, балки қандай ўргатилаётганидир. Бу борада Тойлоқдаги олимия заҳиралари коллежиди мақтовга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Коллежнинг педагогик жамоаси фидойи, ишчан ўқитувчи ва усталар ҳисобида тўлдирилган. Иқтидорли ҳар бир талаба билан индивидуал иш олиб бориш алоҳида-алоҳида мураббийларга бириктириб қўйилган. Танқили спорт усталари қўлида таҳсил олиш эса ёшларни улкан ғалабалар сари ундамоқда.

Самарқандлик ёшлар кўпгина халқаро турнирларда Ўзбекистон номидан қатнашиб, юқори натижаларга эришмоқдалар. С.Давронова, М.Юнусова, Г.Исмаева, Д.Ким, Д.Умирова сингари спортчиларимизнинг муваффақияти халқаро мусобақаларда талабчан ҳакамлар томонидан эътироф этилди.

Бой кутубхоналар, турли жиҳозлар ўрнатилган ўстахоналар, компьютер ва бошқа техник воситалар билан бойитилган заллар ёшлар хизматига шай. Замонавий спорт иншоотлари ёшларимизнинг ўз иқтидорини тўлақонли намойиш этишида қўл келиши таъмин.

«Ёшларнинг онгида қандай кайфият устунлигини айтсанг, сенга кейинги авлоднинг табиати қандай бўлишини айтиб бераман». Э.Беркнинг ушбу фикрида гап кўп. Биз улардан тўғри маслаҳатларимизни аямаслигимиз, Ватан уларга ишонгандек, қўл урётган ишларига катта ишонч билан қарашга, янги имкониятлар беришга ўрганмоғимиз лозим.

Муродулло ХОЛМУХАММЕДОВ,
Самарқанд вилоят ўрта махсус касб-ҳунар
бошқармаси бошлиғи

Кўй авжида узилмасин тор

«Санъат аҳлининг нафаси бир ўтирким, қаттиқ кўнглини юмшатув ва қўрққ бўлган ёшлар». Бобокалонимиз Алишер Навоийнинг ушбу сўзлари нечоғлиқ ҳақиқат эканлигига болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган Мухиддин Қори Ёқубов номидаги кўрик-танлов чоғида яна бир бор амин бўлдик.

Кўрик-танлов асосан уч босқичда ўтказилди. Биринчиси минтақавий босқич ҳисобланиб, унда тўрт минтақага бўлинган ҳолда 34 та болалар мусиқа ва санъат мактабларининг 86 нафар иқтидорли ўқувчи ёшлари анъанавий созандалик, хонандалик, баян-аккордион ҳамда гитара созлари бўйича голибликни кўлга киритишди.

Ўз маҳоратини моҳирона намойиш этган 25 нафар ўқувчи эса кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Мазкур кўрик-танлов шу йил 10-16 март кунлари Ўрганч шаҳрида бўлиб ўтди. Унда вилоятимиздан 25 нафар ёшлар 22 тур бўйича иштирок этиб, вилоятимиз шарафини ҳимоя қилишди. Бир ҳафта давом этган беллашувларда ургутлик Обиджон Зиёдуллаев анъанавий ижрочиликнинг най сози бўйича қатнашиб, 1-ўринга сазовор бўлди.


Танлов асосан икки нафар самарқандлик ёш санъаткорлар учун ҳам омадли кечди. Нарпайлик Санобар Ражабова чанг сози ижроси бўйича, иштирокчи Азамат Эргашев най сози бўйича иккинчи ўринларни кўлга киритишди.

Яқинда санъат коллежлари ўртасида ўтказилган XVII ёш ижрочилар кўрик-танлови ҳам якунланди.

Унда Х.Абдураҳимов номидаги Самарқанд санъат коллежи ёш ижрочилари муносиб иштирок этишди. Коллеж талабаси А.Сувонов доира сози бўйича, Ф.Исмоилов эса мусиқали драма талаблари бўйича юқори кўрсаткичга эришиб, 1-ўрин совриндорли бўлишди.

Истиқлол тароналаримиз баралла янграйверсин деймиз, азиз ёшлар.

МАНСУР ЗОИР,
Ўзбекистон маданият ишлари аълочиси



Истиқлол бебаҳо берилади

Замондан нолиманг, замоннинг эгаси Аллоҳдир, дейилади ҳадиси шарифда. Ислоҳ динининг асл моҳиятини англаган киши ҳеч қачон қимнингидир тивчинини бузиш, қимгадир жабр етказиш ҳисоби-га ўз шароритини яхшилашга уринмайди.

Афсуски, кейинги пайтларда орамизда шундай ғаламислар ҳам пайдо бўлиб кетди, уларнинг фаолияти ҳеч бир қулоққонга сиймайди. Ачинарлиси, бундай шахслар ўз қирдорларини учун муқаддас динимизни нисиб қилиб олишаётир.

Яқинда одамлар орасида турли бузғунчи гоғларни тарқатиб юривчи гуруҳ фаолияти фойш қилинди. Оқибатини уйламай, «Ҳизб-ут-таҳрир» диний экстремистик оқимига қўшилиб қолган Нарзулла Умаров ва Алишер Шариповлар эл олдуни шарҳимисор бўлишди. Халқ учун, ватан равнақи учун бирон ишни дундириб қўймаган бу қимсалар давлатга қарши қара-

тилган, аҳоли орасида ваҳима кўтардиган, ҳокимиятни босиб олиш, Ватанимиз ҳудудида Ислоҳ давлатини барпо этишга даъват этувчи варақалар тарқатиш билан шугулланган. Қимларнингидир манфаатини кўзлаб қилинаётган бу таҳдидлар беғуноҳ одамларни қурбон қилиш ва халқларнинг тинчлигига раҳна солиш мақсадида олиб бо-

рилган.

Бир ўйлаб кўрайлик, аслида динимизнинг моҳиятини билган киши шундай разилликка қўл уриши мумкинми?

Жиноят жазосиз қолгани йўқ. Ҳукми ўқилиши арафасида ўзларини тамома беозор қилиб кўрсатишга уринган йилгитлар бир неча бор қилган ишларидан пушаймон эканликларини таъкидлашмоқда. Аммо бу тазаррулар тил учиди эмасми-кан? Ноҳақ жабр қўрган одамлар уларни кечирисармикан? Наҳотки, туз ичган дастурхонига тутуриш, ўз халқига озор етказиш, чоҳ қазиб кечиримли иш бўлса.

Истиқлол бебаҳо неъмат. Уни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, бугунги тинч, осуда кунларимизнинг ҳар бир дақиқасини қадрига етиш фуқаролик бурчимиздир.

Р.КАРИМБЕРДИЕВ,
вилоят прокурорининг ёрдамчиси

ҚУВОНЧИМИЗ ЧЕКСИЗ

Мустақиллик шамоли биз каби меҳнатқашларнинг ҳам кўкрагига урила бошлади. Кўпдан бун бирор ишининг бошини туттиш ҳаракатида юрардик. Ширкат хўжаликлари тугатилиб, ўрнига деҳқон ва фермер хўжаликлари тузилётганини эшитиб қолдик. Яқинлар билан маслаҳатлашиб, ҳокимликнинг ер ажратиш билан шугулланувчи тендер ҳайъатига ариза билан мурожаат қилдим. Кўп ўтмай аризамиз қаноатлантирилгани ҳақида хабар берилди.

Эрта баҳордан ишга киришиб кетдик. Хусусий тракторимизнинг борлиги жуда қўл келди. Ҳозирда бизга ажратилган 50,6 гектар ернинг 11,5 гектариди пишиб етилган бугдой ўрнига тайёр турибди. Қолган майдонларимиздаги гўза шона отиб ўсаётир. Гўза парварини учун ишчи қучларини жалб қилганимиз.

Насиб бўлса, қомбайн ўрнимга кириб, галла режаси удалангач, ошшак бугдойдан аъзоларга иш ҳақи сифатида бўлиб бермоқчимиз.

Яқинда лизингга яна бир трактор олиб келдик. Бу йилги даромад ҳисобидан хўжалигимиз эридан сўлим-роқ бошлана қуриб олишни ҳам ният қилганимиз. Меҳнат қилгандан кейин яхши дам олиш ҳам керак-да.

ҲОМИД ЭШОНОВ,
Нарпай тумани «Ҳосил бобо»
фермер хўжалиги раҳбари

ЖАСОРАТ ШИОРИНГИЗ БЎЛСИН!




Ватанпарварлик шунчаки умумий гаплардан иборат эмас, балки у ватанга муҳаббатни дилдан ҳис қилиш ва шу ҳис билан яшамоқ демакдир. Шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаронинг садоқати ватан бошига иш тушганда билинади.

Бир неча йил олдин Сариосиё ва Ўзун туманларида юз берган воқеалар чоғида бир нарсга амин бўлдим: халқимиз киндик қони тўкилган замин дахлсизлиги йўлида жонини фидо қилишга ҳамisha тайёр. Уни ганимдан тош келса кемириб, сув келса симириб ҳимоя қилишга қодир. Ҳатто жон беришга тўғри келса ҳам ёвга ён бериб ўтирмайдилар.

Қаерда бўлмасин, ватан олдидаги бурчини шараф билан адо этаётган фарзандларимиз руҳиятида жасурлик туйғулари жўш уриб туради. Чиниққан, софдил, замонавий техникаларни моҳирона бошқара олувчи йигит-қизларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Яна бир гапни айтиб ўтиш жоиз. Ватан шаънига доғ тушириш уни сотиш билан баробар дейдилар. Ичи қора бир гуруҳ ёвузлар сафига билиб-билмай айрим тажрибасиз ёшлар ҳам кириб қолишди. Наҳот улар халқимизнинг «Қозонга яқинлашсанг қораси юқади» деган ҳикматининг мағзини чақиб улгуришмаган бўлса? Азиз ёшлар! Энди сиз ҳам дўст ва душманни теранроқ англаб олишингиз керак. Бирдамлик, довюрраклик, меҳнатсеварлик ва жасорат доимий шиорингиз бўлиб қолсин. Биз эришган истиқлол фарзандларимиз камоли учун хизмат қилиши лозим.

Жамшид САИДЖОНОВ,
Самарқанд ҳарбий прокурори



Кўҳна Самарқанд

Карвонлар келарди етти иккимдан
Шоҳлар, чинилар ортишиб той-той.
Боглари жаннатдан нусха кўчирган,
Егани бол бўлган, тишлагани мой.

Тиланмаган ҳеч ким дунёни, эркин,
Гадолар бой бўлган бу юртга келиб.
Богбонининг қизи малика бўлган,
Чурилар бой бўлган бу юртга келиб.

Аёлин ҳуснидан ой хижолатда,
Ақлига тан берган шоҳи, доноси.
Ҳеч қурса хон бўлган туққан ўғли,
Ҳечса дошизманднинг бўлган ониси.

Шоҳлари мард бўлган, юрт олар бўлса,
Бутун ер юзини олган мўлжалга.
Эрлари мард бўлган, гар севиб қолса,
Икки шаҳар берган бир дона халга.

Дунёни беш юз йил ўқитиб етган,
Алишер бу юртга таҳсилга келган.
Мангуликдан мангу шундай буюк зот,
Самарқандни азиз меҳроб деб билган.

Жаннат кўкارتгани камдай тупроғи,
Кўксига мукаррам бошларни олган.
Жонин берсалар ҳам ўзга юртларда,
Шоҳларнинг жасади шунда кўмилган.

Бу тупроқда метин бардош бўлмаса
Жаҳонгир Темурни қандай кучарди?
Балки Улуғбекнинг ҳайли бирлан
Юлдузлар томонга қушдай учарди.

Бу тупроқда агар бўлмаса бир сир,
Хўшқа Аҳрор Валий бош кўярмиди?
Бибиҳоним йиғлаб кўзига суртиб,
Орзуларин айтиб ёш кўярмиди?

Хизр назар солган — дуо кетган юрт,
Кўшиққа айланур ҳар азоб, ҳар дард.
Шу юрт деб янасанг, ўлсанг арзийди,
Икки дунёда ҳам битта Самарқанд!

Юртим, тавсифинга тиллар ожиздир,
Хуснингга элтмакка йўллар ожиздир,
Вақтлар кетаверар. Қолаверасан,
Сен мангусан, кетар йиллар ожиздир.

Сен улкан қасрсан, зарра гардинган,
Қирқта жоним билан олай дароинг ман.
Жону дилим бирла қоршиб кетдим,
Мен ҳам бир кичкина Самарқандийман!

Хосият БОБОМУРОВА

Ҳиёнатдан сақлагин



Исматулло
ЙЎЛДОШЕВ,
вилоят
прокурорининг катта
ёрдамчиси

Имону эътиқод фаришта каби,
Бизни ёмонликдан қилар ҳимоят.
Дўстликнинг муқаддас қонунлари бор —
Уларни бузишлик оғир жиноят.

Минг йилки аслида жиноят эмас,
Ҳиёнат кемирар инсон бағрини.
Энг оғир жиноят ишонч қозониб,
Сўнгра топтасалар инсон қадрини.

Кимнингдир дилига бердингми озор,
Жазоинг тайиндир энди ҳушёр бўл.
Бир гўдак жилмайиб талпинса сенга,
Энг оғир жиноят узатмасанг қўл.

Севгилинг умидла жавдираб қарар,
Эсингдаму ўша ваёданглар дея.
Аслида, жиноят дамин кесмоққа,
Бир оғиз ширин сўз эрур кифоя.

Жиноят қилмоқчун ўтқир тиг олиб,
Шарт эмас бировнинг кўксига санчиш.
Минглаб зарбалардан даҳшатлироқдир,
Инсонлар кўнглини ноҳақ ранжитиш.

Қонун китоблари семирав ҳар кун,
Инсонлар кашф этган жиноятлардан.
Соғ-омон сақлагин бизни эй танграм,
Қонунга бўйсунмас ҳиёнатлардан.

Жорий йил-
нинг 1-6 июн кун-
лари Тошкентда
Самбо кураши
бўйича Осиё
очик чемпионати
бўлиб ўтди. Рос-
сия, Мўғулистон,
Қозоғистон, Қир-
ғизистон, Тожик-
истон, Туркма-
нистон, Латвия,
Ўзбекистон сингари мамлакатлар
спортчилари ўртасида ўтказилган
ушбу чемпионатда ҳамюртлари-
мизнинг кўли баланд келаётгани-
ни ҳис этиб турдик.

Беллашуларда 52 кг.лик вазн-
да майдонга тушган самарқанд-
лик Шавкат Жўраев, 74 кг. вазн-
да курашган Ақром Эшевлар би-
ринчи ўринни кўлга киритиб, ол-



Вилоят прокурорининг ўринбосари Р.Абдурахмонов иқтисодий жи-
ноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими алоҳида муҳим иш-
лар бўйича катта терговчиси М.Қосонов, ички ишлар органларида тергов
ва суриштирув устидан назорат бўлими прокурори Э.Рўзиев ҳамда бўлим
бошлиғи А.Турсуновлар билан тезкор йиғилиш ўтказмоқда.

МАЛОМАТНИНГ УРУҒИ

Булунгурлик Зафар Қораевнинг
меҳнатга тоби йўқ эди. Ўтган йили
баҳорида миясига келган бир
ғояни амалга оширишга киришди.
«Мингчирор» ширкат ҳўжалиги Ту-
мановул қишлоғида жойлашган
ҳовлиснинг томорқасидаги мак-
кажўхори орасига наша уруғини
экти.

Зафарбой экинга алоҳида пар-
варош билан қаради. Ҳосилга кир-
ган бакувват таналари яхшигина
даромаддан дарак берарди. Зафар
уларни бир-бир қайчилаб, офтоб-
га ёйиб қуритгач, оғилхона шиф-
тига ўраб-чирмаб яширди.

Аммо шу кундан бошлаб йигит-
нинг ҳаловати йўқолди. Ҳовлига
бирор кўни-кўшни ёки меҳмон ки-
риб қолса, гўё сири ошкор бўлиб
қолаётгандай, тез-тез оғил томон-
га қараб оларди. Қиш бошлангач,

заҳри қотилни бир ёқлик қилиш
ҳақида ўйлай бошлади. Кимгадир
ишониб, дардини ошкор этиш ҳам
осон иш эмас экан. Шундай кунлар-
нинг бирида Лолахон исмли тани-
шини учратиб, дардини ёрди.

— Бўпти, жоним билан, — деди
Лолахон. — Фақат нашани уйимга
олиб борасиз.

Зафарбой лафз қилинган 20
минг сўм ҳақида эшитгач, оёғини
қўлига олиб оғилхонаси томон
югурди. Кўп ўтмай, Лолахоннинг
дарвозасини тақиллатди. Тугунча-
ни жувонга тутқазиб, жарақ пул-
ларни санай бошлаган эди ҳамки,
кимдир эшик қоқди. Лолахон туман
ИИБ ходимлари томонидан ўткази-
лаётган махсус тадбирда «харидор»
сифатида иштирок этаётган эди...

Ғофир ТОШНЁЗОВ,
Булунгур туман прокурори

Самарқанд чемпионлари

тин медал соҳиби бўлишди.

Чемпионатнинг жанговар сам-
бо тури бўйича Ўзбекистон ша-
рафини ҳимоя қилиб даврага туш-
ган самарқандлик курашчи, Са-
марқанд шаҳар ДАН ходими Са-
мад Рустемов кўпчиликини лол қол-
дириб, 100 кг.дан ошқ вазндаги
полвонлар ўртасида 2-ўринни
кўлга киритди ва кумуш медал

соҳиби бўлди.

Ғолиблик муборак, азиз спорт-
чилар!

Худоёр АХМЕДОВ,
вилоят маданият ва спорт
ишлари бошқармаси бошлиғи
ўринбосари

Суратда: олтин медал соҳиби
Шавкат Жўраев

Мансур АЛОВУДИНОВ
1952 йил 15 апрелда туғил-
ган. 1984 йилда ТДМнинг
услужиятчи-ташқилотчи фа-
култетини тугатган. 1999
йилдан буён «Қопил
himoyasida» бирлашган таҳ-
ририятининг Самарқанд ви-
лояти бўйича муҳбири.



BIR XAT IZIDAN



Муаллиф ҳақида:

Курбон ЖУРАНАЕВ 1956 йил 17 августда туғилган. 1978 йилда ТошДунийга журналистика факультетини тугатган. 1997 йилдан бунён «Qonin himoyasida» бирлашган тахририятининг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири.

Издат момо Абдуллаева Бойсун туманидаги Қизилнавр қишлоғида туғилиб ўсган. Ёшлиги ҳам шу масканда ўтган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида фронт ортида меҳнат қилган. Хизматлари эъзизига давлат мукофоти билан тақдирланган.

Абдулла Тангрибоевга турмушга чиқиб, унинг отасидан қолган ҳовли-жойда уй қуришган. Шу манзил-мақолада бир ўғил, бир қизли бўлишган.

1954 йилда оила аъзолари ҳукумат қарорлари асосан минглаб тоғликлар қатори Бешқўтон қўлини ўзлаштириш учун мажбурий тартибда қўйрилган. Уларнинг Қизилнаврдаги уй ва томорқасини ташлаб кетишдан ўзга чораси қолмайдди. Шу тариқа хонадон аҳли замонда зайли билан ҳозирги Музабат туманида яшаб қолади.

Абдуллаевларнинг тоғдаги томорқасига дастлаб уларнинг яқин оғайниси Беғали Хўжақуллов кўп йиллар экин экиб келган. 1983 йилда ён қўшнилари Абдуғаффор Хурсандов уйланиб, алоҳида оилали бўлган, ўша пайтдаги «Мачай» ҳўжалиги раҳбарларининг аралашуви билан вақтинча фойдаланиб туриш учун унга олиб берган. Бундан хабар топан чол-кампири ҳам «майли, ҳозирча экин-тикин қилиб, рўзгорини тебратиб турсин. Бўёғи бир гап бўлар» дейишган. Андиша билан норозилик билдиришмаган. Ачинарлиси, тақдир чол-кампирининг бошига кўп мусибатлар солди. Улар бирин-кетин бисотидаги ёлғиз ўғлидан, катта қизидан, келинидан жудо бўлишди.

Издат момо кейинчалик охириги сунъидан ҳам айрилди. Чоли оламдан ўтди. Энди унинг Музабатдан бутунлай қўнгли совиған, бу ерда яшашга сира тоқати қолмаганди.

Невараси Мақсуда Абдуллаева Қизилнаврда келин бўлиб тушди. Шундан сўнг Издат момо ҳам ота юртига қўчиб бориб, қолидан қолган уй ёнида бошлана тиклаб, невараси ва қўёғи қарамоғида яшай бошлади. Ва Абдуғаффор Хурсандовдан томорқани қайтариб беришни сўрайди. Бироқ Хурсандов момонинг гапига қўлоқ солмайдди. Момо қайта-қайта илтимос қилади. Абдуғаффорбой эса рад жавобини бераверади. Қариндош-уруғ, қўни-қўшни, қишлоқ оқсоқоллари ҳам унга қор қилмайдди.

Издат момо Бойсун туманининг собиқ ҳокими номига ариза ёзади. Унга қоп-қоп ваъда беришди. Аммо ҳеч қандай амалий ёрдам кўрсатилмади. Шунга қарамай момо тинчимади. Яна ёзув-чизув бошладиди.

Издат момо Абдуллаева 2003 йил 5 июн кўни «Томорқани қайтариб олиш ҳақида» фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилди.

Даъвогар мазкур ишни қўриб чиқиш зиммасига юклатилган судья Р.Хазратқуллова бир неча бор учрашган. У эса ҳар қал моёмога «ўзларинг келишавиринглар» дейишдан нарига ўтмайдди.

2005 йил февралда яна келишганида у охири ёрлади:

— А.Хурсандов ўзимиз келишамиз деган эди-ку! Халиям келишмадимиз? Шунинг учун мен бу иш тўрисида ҳозиргача бир хулосага келганим йўқ, — дейди.

Тахририятимизда Издат момо

Абдуллаева номидан ёзилган шикоят хатида «Абдуғаффорбой менинг номимга қарор чиқариб берилган. Суд ҳам менинг фойдамга ҳал қилган. Қўлингдан келганини қил, дея қўрилиб юрибди. Ота-бобомиздан қолган томорқага зўравонлик билан эгаллик қилиб келмоқда. Суд қароридан бўлса, ҳозиргача хабар йўқ. Шунинг учун иложсизликдан адолат рўёбга чиқар деб сизларга мурожаат қила-йман» деб таъкидлаган.

Биз масаланинг суд билан боғлиқ жиҳатлариға аниқлик киритишга ҳаракат қилдик. 23 март 2005 йилда

олганман.

— Бирон-бир ҳужжат борми шу ҳақда? — сўрадик.

— Умуман ҳужжат бўлмаган. Булар билан тортишма бошланган, ҳокимнинг қарорини чиқартириб олдим.

— Қани шу қарор, кўрсатинг-чи?

У қўлимизга бир варақ қоғоз тутқазди. Бу Бойсун туман ҳокимининг 2002 йил 2 майдаги «Мачай» ширкат ҳудудидаги Қизилнавр қишлоғида яшовчи А.Хурсандовга тегишли бўлган уй-жойни рўйхатга олиш ва унга эгаллик қилиш ҳуқуқини бериш тўрисидаги 258-қарори эди. Унда А.Хурсандовга тегишли уй-жой қўлимизга бинолари билан рўйхатдан ўтказилсин ва унга эгаллик қилиш ҳуқуқи берилсин дейилган.

Шу ўринда яна бир бор таъкидлаш лозимки, А.Хурсандов Издат момога ён қўшни. Унинг ўз уйи ва томорқаси ҳам бор. Ҳокимнинг бу қарори худди яна шу ўй-жой ҳақида.

Биз бу ҳужжатнинг Издат момога тегишли томорқага мулккало алоқаси йўқлигини айтдик.

— Йўқ, мана шу қарор билан Из-

қўридик. Момо бизга қовурмоқ қилиб берарди.

— Кўп йиллардан бери ишлаяман, — дея сўз бошлади маҳалла йиғини раиси Мамаюсуф Аннаев.

— Аниқ биламан: бу томорқа Издат момо билан Абдулла бобонки. Издат мажбурий қўйиштирилган. Томорқадан аввалига анча йил Беғали бобо фойдаланиб юрди. Кейинчалик бу кишига олиб берилган.

А.Хурсандовнинг онаси Бибисанам момо бундай деди:

— Бетим қилба сари. Тўқсонга кирдим. Бир дастурхондан нон еганмиз Абдуллабой билан. Инкор қилмайман, бу томорқа Издатнинг қўлини-ки эди.

Фуқаро Саттор Бекмуродовнинг тушунтириш хати ҳам қалавнинг ўқини топишга ёрдам беради деб ўйлаймиз.

«Бу келишмовчилик бўйича қуйидагиларни биламан. Мохарога сабаб бўлган томорқа Янгибоев Абдулла бобонки эди. Мен Қизилнавр қишлоғида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаб юрганимда 1983 йилда Хурсандов Абдуғаффор уйланиб, янги

ёзилгани очиб-равшан кўриниб-билиниб турибди.

Холисона айтинг-чи, башарти сизга 2005 йил учун 2004 йил феврал ойда ажрим варақаси тайёрланган дейишса, ишонармидингиз?

Ушбу ажримни даъвогарга юбориш ҳақидаги қузатув хати матнида ҳам «2005» санаси битилган бўлиб, кейинчалик «5» рақами устидан «4» рақами ёзилган.

Судья Р.Хазратқуллова гўё 17 март 2004 йилда «Даъвогар Абдуллаева Издат ўзига берилган муддат давомида Ўзбекистон Республикаси ФПҚнинг 149-150-моддалари талабларини бажармади ва давлат божи тўламади. Баён этилганларга асосан... унинг аризаси берилмаган ҳисобланиб, ўзига қайтарилсин» дея ажрим чиқарган.

Энг ажабланирлиси шуки, судьянинг биринчи ажримини тегишли даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга даъвогарга юбориш ҳақидаги қузатув хати тепасига босилган суднинг тўртбурчак тамғасида 16.02.2005 йил тартиб соң 30, иккинчи ажримнинг қузатув хатидаги суд тамғасида эса 17.03.2005 йил тартиб соң 197 деб қайд этилган.

Оқорида таъкидланган ҳужжатларнинг ҳаммаси битта конверт билан жўнатилган. Охириги алоқа бўлимининг ундаги муҳрида эса 18.04.05 рақами қайд этилган.

Энди бир оз мулоҳаза юритайлик. Даъвогар суд томонидан 2005 йил 16 февралда юборилган ажримда кўрсатилган қамчиликларни қандай қилиб 2004 йил 16 мартга тўзатиши мумкин. Шу ақлга тўғри келадими? Бунинг учун ким жавоб бериши керак?

Шундай бир ҳолатда судья Д.Хазратқуллова томонидан 2004 йил 17 мартда чиқарилган ажримни қўнуний деб бўладими?

Энди биринчи ажримнинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталсак. Унда даъво аризаси нусхаси, низоли ернинг ҳуқуқий ҳужжатлари илова қилинмаган ва давлат божи тўланмаган деб ваҳ қўрсатилган. Ваҳоланки, ушбу даъво аризаси охирида «Ариза икки нусхада» деб ёзиб қўйилган.

Қолаверса, ариза билан танишдим. Хурсандов Абдуғаффор деган ёзув, аллақандай имзо бор.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, низоли томорқага тегишли ҳужжат йўқ. Тоғ қишлоқлари аҳолисининг ҳақ қайси бир замонлар эгаллик қилинган томорқа учун ҳужжат кўрсата олмайдди. У даврларда бунга ҳожаҳ бўлмаган.

Давлат божиға келсак, даъвогар ўз аризасида ёшнини инотатга олиб, бу мажбуриятдан озод қилишни сўраган. Аммо суд томонидан унинг бу илтимоси муҳома ҳам қилинмаган.

Суд фаолиятида бу қадар лоқайдлик, бу қадар пала-партишлик, бу қадар адолатсизликка йўл қўйиб бўладими, аҳир? Бундай ачинарли ҳолатни қандай ўқошлаш мумкин?

Бир нарсга аёнки, агар Издат момонинг арз-доди эътибор билан тингланми, қўнун талаблари асосида хал қилинганда бу можоро аллақачон бартараф этилган бўлар эди. Ушанда табарруқ ёшдаги онақон йиллаб сарсон-саргардон бўлмади. Турган гапки, бизнинг аралашувиимизга ҳам зарурат қолмасди.

Яқинда хунук бир хабар эшитдик. Абдуғаффор Хурсандов ушбу низоли томорқа устидан Мақсуда Абдуллаева билан жанжаллашиб, уни уриб, тан жароҳати етказибди. Бунинг устига вазиятни янада қаллаштираиб ўша жойга ўғли учун уй қуриш ҳаракатида юрганмиш.

Зўравонлик, адолатсизлик, энг ёмони қўнун устуворлигининг таъминланмаслиғи янги-янги жиноятларнинг келиб чиқишга сабаб бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Ўйлаймизки, қўнун бери давом этиб келатган бу зиддиятнинг ечими — унга қўнуний баҳо беришидир.

Томорқа

Тўқсонга қирган момонинг тинчини бузган зўравон, уни сарсон-саргардон қилган масъул шахслар ҳақида

Кисиники?

Р.Хазратқуллова томонидан ёзилган маълумотномада «Абдуллаева Издат Ўзбекистон Республикаси ФПҚнинг 149-150-моддалари талабларини бажармаганига сабабли 17 март 2004 йилдаги ажрим билан аризаси берилмаган ҳисобланиб, унинг ўзига қайтарилган-и маълум қилинган. Туман ҳокимлигида ҳам ушбу низога тааллуқли бирон тайинли гап эшитмадик. «Ўша йиллардаги ҳужжатлар вилоят Давлат архивига топширилган» дейиш билан қиёфоланишди.

Нихоят можорога сабабчи бўлган томорқани ўз кўзимиз билан қўриш, ариза муаллифи ва унинг зўравон қўлисини ҳамда холислар фикрини ўз қўлимиз билан эшитиш мақсадида олис Қизилнавр қишлоғига боришимизга тўғри келди.

Низоли томорқа баянд тоғлар этагидга жойлашган. Сал тепароқда — ҳамаси 15-20 қадм нарида эса Издат момонинг уйи мунғайибгина турибди.

Ариза муаллифи, унинг «қаҳрамони», қишлоқ оқсоқоллари ва фаоллари можорога сабаб бўлган томорқа бошига тўпланишди. Уларга мақсадимизни баён этдик.

— Шикоят хатида ҳамма гап ёзилган. Лекин ўз оғзингиздан эшитсак яхши-да, қандай норозичилик, талаб-истагингиз бўлса, бемалол айтиверинг, — юзландик сўнг Издат момога.

— Мен томорқага даъвогарман. Бу ер бувамдан, қолимдан қолган, — деди у. — Кейин бизни қўлга мажбурий қўчирди. Энди бу одам зўрлик қилиб, томорқани бермай юрибди.

— Мен ҳам очиб айтаман. Томорқа вақтида Издат момоники бўлган. 54-йилга довр, — гапга аралашди А.Хурсандов. — Мен уйланиб, алоҳида ҳўжалик бўлгандан кейин Саттор Бекмуродов деган бўлим бошлиғи менга берди. Беғали бободан

зат момонинг томорқаси ҳам менга берилган, — дея ўз гапини маъқулатишга уринарди А. Хурсандов.

— Суд ҳам ишни менинг фойдамга ҳал қилган.

— Суд ишни оқибатсиз қолдирган. Бирон-бир қўнуний тўхтамга келмаган, — тушунтирмоқчи бўлдик унга.

Бу гапдан сўнг Хурсандов бирдан тутайиб кетди.

— Хазратқуллова, қарорини чиқариб бердик. Мулк сеники деган.

— Нима қиласиз уларни орага қўшиб, ўйлаб гапиринг, — эътироз билдиришди унга.

— Эшитганимни айтаман-да, — сира ҳуворидан тўшмасди у.

Бизнинг мақсадимиз ҳақиқатини билиш эди. Шунинг учун ҳам холис-

лардан ўз фикрини билдиришини сўрадик.

— Мен Дониёров Мобир. 1916 йилда туғилганман. Янгибоев Абдулла бобо, Абдуллаева Издат момо билан бирга катта бўлганман. Гаффорбойнинг ўзи ҳам билади. Бу томорқа Аздулла бобо билан Издат момоники. Хайла, урушдан кейин қурган, ҳозир ҳам турибди.

— Бу томорқанинг эгаси бор. Бекорга гавақ қилманг, — деди 82 яшар отахон Дониёв Раҳимов. — Бу ернинг биринчи эгасини Тўрамурод халифа дейишарди. Унинг икки ўғли бор эди. Эрдона ва Янгибобой бобо. Шу икки ака-ука қуд бўлди. Издат момо Эрдона бобонинг қизи, Абдулла бобо Янгибобой бобонинг ўғли. Бу ер Янгибобой бобога Абдулла бободан қолди. Бу томорқага ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қандай қилиб бу ер Гаффорга берилган — бунинг ўзи билади.

— Мен Қодиров Мавлон. Издат момонинг Ҳусан деган ўғли бўларди. Икковимиз мактабда бирга ўқирдик. Келиб ўйнар эдим. Шу томорқа шу момоники бўлган. Хивит деган бугдой бўларди. Абдулла бобо шу томорқага хивит экарди. Биз чумчуқ

ҳўжалик бўлди. Шундан кейин Абдулла бобонинг томорқаси яқин бўлганлиги учун унга вақтинча фойдаланиб туриш учун берган эдик. Ҳеч қандай ҳужжат қилинмаган, чунки томорқа бошида бобонинг эски уйи бор эди».

Яқинда ҳузуримизга шикоят хати муаллифининг вақили келди.

— Суддан мана буларни олдик, — дея қўлимизга бир даста қоғоз тутқазди.

Танишиб чиқдик. Издат Абдуллаеванинг фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судига ёзган Абдуғаффор Хурсандовдан «томорқани қайтариб олиш ҳақида»-ги даъво аризаси, унга илова қилинган ҳужжатлар, ушбу ариза юзасидан судья Р.Хазратқуллова «қирган ажримлар ҳамда уларни тегишли манзилга юбориш ҳақидаги қузатув хатлари экан.

Яширмайман, уларни ўқиб чиқиб, ҳайратда қолдим. Келинг, ҳаммасини бир бошдан баён қилайлик.

Издат Абдуллаева судга 2003 йил 5 июнда даъво аризаси билан мурожаат қилган. Судья Р.Хазратқуллова эса 16 феврал 2004 йилда даъво аризасига унинг нусхаси, низоли ернинг ҳуқуқий ҳужжатлари илова қилинмаганлигини рўйхат қилиб, мазкур аризани ҳаракатсиз қолдириш ҳамда қамчиликларни тўзатиш учун даъвогарга бир ой, яъни 16 мартга қадар муддат бериш тўрисида ажрим чиқарган.

Ажримда яна шундай жумла бор: «Ушбу ажрим нусхаси маълумот учун даъвогарга юборилсин ва унга берилган муддат давомида қузатиш лозимлиги тушунтирилсин».

Энди эътиборингизни қуйидаги ҳолатларга қаратмоқчимиз.

Мазкур ажримнинг компютерда тайёрланган матида «2005 йил» деб қайд этилган. Кейинчалик машинкада «5» рақами устидан «4» рақами

HUQUQIY MATBUOT HAQIDA SO'Z

Хайитимизда ОАВ, жумладан, газета ва журналларнинг нақадар аҳамиятга эга эканлигини тасвирлашга ҳоҷат бўлмаса керак. Биргина, мустақиллик йилларида улар сони кескин ортгани ҳам фикримизга яқин далиллариди. Бухоро вилоятида 30 га яқин газета ва журнал чоп этилмоқда. Вилоят прокуратураси муассислигида чоп этилаётган «Адолат нури» газетаси эса ягона ҳуқуқий нашр ҳисобланади.

СЎЗНИНГ ҚУДРАТИ

Айтиш жоизки, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш учун олиб борилаётган саяёҳатларда кўплаб ҳуқуқий нашрлар қатори ушбу газетанинг ҳам ўзига хос ўрни бор. «Ҳуқуқингизни биласизми?», «Прокурор нозирати амалда», «Қарор ва ижро», «Менда фикр бор», «Муносабат» сингари руҳи остида чоп этилаётган мақолаларда замон нафаси, ҳуқуқий ислохотларда прокуратура органларининг ўрни ва аҳамияти каби муҳим жиҳатлар ўз ифодасини топишмоқда.

Матбуот ҳақида гап кетганда, одатда журналист маҳорати, унинг фидойилиги, шарафли, аммо машаққатли касби хусусида тўхталмай бўлмас. Журналист аввало касбига содиқ бўлиши, ҳар қандай масалага ҳолис ва ҳалол ёндашиши керак. «Адолат нури»да чоп этилаётган материаллар билан танишиб, ана шу таъмоилга амал қилинаётганини кузатиш мумкин.

Адолат қарор топиши учун ҳар бир жамиятда аёвсиз қурашлар бўлиб келган. Таҳририят ҳам муаммоли материалларни ёритиш, ҳақ-ҳуқуқи поймол бўлган фуқаролар дардида қулқоқ солиш, зиддиятчи ва бир неча йиллаб ечимини

ни қутиб ётган масалаларни ўз саҳифаларида ёритишдан чўчимаётти. Ана шу дадиллик газетача обрў келтирмоқда. «Сени қақса... ёки ҳақиқатга айланган миш-миш», «Тубаники», «Одам савдоси?!», «Ер ҳақиқий деҳқонники», «Тадбиркорга ким маддадор?», «Нега лоқайд-сиз, раҳбар!», «Ахволинг қалай, фермер?» каби мақолалар фикримизни тасдиқлайди.

Газета саҳифаларида бундай мақолалар оз эмас. «Журналист суриштируви», «Бизга мактуб йўллабсиз» руслари остида ўткир танқидий-таҳлилий чиқишлар қилинади.

Газетанинг сўнгги саҳифаси адабиёт ва бадиий ижод иштиёқмандларига мўлжалланган. Шу боис, ундаги «Ойла сабоқлари» ҳамда «Хайрат лаҳзалари» руслари остида ёш оилаларга маслаҳатлар, қолаверса, вилотда ижод қилаётган қаламқашларнинг ижодларидан намуналар бериб борилади.

Ҳақиқий баҳони муштарий беради. Бухорода кўпчилик «Адолат нури»ни севиб ўқийди. Бунинг боиси, ижодий жамоа ҳалқ дарди ва ташвиши билан яшамоқда.

Акмал АСРОРОВ,
Республика Бош прокуратураси бўлим
прокурори

GAZETA TARIXIDAN

Парижда «Туз ва қалампир» номли газета чоп этилади. У махсус сув ўтмайидан қозоғга босилади. Мазкур нашр овқатланаётган пайтда газета ўқинишга ўрганган ўқувчилар учун мўлжалланган. «Туз ва қалампир»да дунёда юз берган муҳим, қизиқарли воқеалар ва янги латифаларни ўқиб олиш мумкин.

АҚШда «Энг сўнгги янгиликлар» номли ҳар соатда чоп этиладиган газета чиқди. Унинг ilk ўқувчилари «Пан-Американ» компанияси авиалайнерларининг йўловчилари бўлишган. Уларнинг аксарияти Вашингтон ва Нью-Йорк оралигида қатновчи янгиликларга қанқоқ савдогарлардир.

Франциянинг Монпелье шаҳрида чоп этиладиган ҳафталик «Ля газетт» газетасининг чиқишидан олдин таҳририят ўқувчиларни катта сюрпризлар қутиниши айтган. Газетанинг ilk сонининг эни 2 метрни ташкил қилган.


Билл Койленд исмли журналист йигирма йилдан бери газетача метеохабарларини тайёрлайди. Ушбу хабарлар шёар тарзида ёзилади.

Лондондаги аукционлардан бирида «Бостон глоб» газетасининг 1912 йил 12 апрелдаги сони 304 АҚШ долларига сотилган. Ушбу сонда «Титаник» фожеаси ҳақида хабар берилганди.

«Известия» газетасининг 1921 йил 17 майдаги сони қозғоқ етмаганлиги сабабли бўзга босилган. Газетанинг олд саҳифасида «Газетани эҳтиёт қилинг, у жуда кам! Ўқиб бўлғач газетани бошқаларга ҳам беринг!» деган ибора босилган.

Аёллар учун мўлжалланган ilk газета 1798 йили Германияда чоп этилган. Унинг номи — «Фраунциммер пайтунг».

TAQDIR



У истейдодли журналист эди. Истейдод эса ҳамма вақт ҳам қўллаб-қувватланмас, ҳаммага ҳам бирдек ёқавермас экан...

Бу йил унинг вафотига роппа-роса ўн йил бўлди. Ўн йилдан бери Владислав Листевнинг қотилларини излашмоқда. 1995 йил 1 мартда уни ўлдириб кетишди. Ҳозирги кунда тўртинчи терговчи жиноятни очишга ҳаракат қилмоқда. Жамоатчилик эса тергов ҳаракатлари қандай бораётганлигидан бутунлай беҳабар.

Кимга ёқди, кимга ёқмади

Жиноят содир этилгандан сўнг дастлабки йилларда Россия президенти Борис Елцин жиноятчиларни топиш, уларни судга бериш ҳақида ваъда бериб, тергов ҳаракатларини қўзғатиб борди. Бош прокурор ҳар доим ахвол ҳақида унга ахборот бериб турган. Ҳозирги кунга келиб бу иш Кремль учун аҳамиятга эга эмаслиги аён бўлмоқда. Мана, олти йилдирки, бу машҳур жиноятнинг тергов ҳақида жамоатчиликка маълум этилмапти.

«Московские новости» муҳбири Россия Бош прокуратураси жамоатчилик билан алоқалар бошқармасига Листевнинг ўлими билан боғлиқ бўлган жиноятни тергов қилаётган терговчи билан учрашишни ташкил қилиш ҳақида мурожаат қилди. Аммо бу ташкилотда шундай тартиб бор. Унга қўра, терговчи — мустақил процессуал шахс, ким билан учрашиш кераклигини ўзи ҳал қилади. Унинг ишига аралашиб қолганга зид ҳисобланади. Шундай қилиб, «МН» муҳбирининг илтимоси рад этилди. Шунга қарамай, журналист оёқ тираб туриб олди. Унинг тергов гуруҳига жуда кўп саволлари бўлиб, махсус хизмат, бизнес ва криминал доиралардаги шахсларнинг ўзаро алоқадорлиги хусусида эди. Бунинг асосини ФХХнинг собиқ офицери, подполковник Александр Литвиненконинг гувоҳлиги ташкил этади.

Литвиненко ФХХнинг УРПО — ўта махфий бўлимида хизмат қилган. У сир нечта ҳамкасиби билан ўтказилган матбуот анжуманида бошқарма бошлиқлари офицەرларга Березовскийни ўлдиришни тақлиф қилганини айтгандан сўнг машҳур бўлиб кетган эди. Бундан ташқари офицёр

лар УРПО бир неча кишиларни йўқ қилиш бўйича махсус операциялар ўтказганини айтиб ўтишган. Матбуот анжуманидан сўнг, ФХХ Литвиненконинг бизнесменларни ўлдириш, уларни таҳқирлаш ва пул талаб қилганликда айбоб жиноят иши очди. Лекин судда ҳеч нарса исботланмади. Литвиненко оиласи билан Лондонга қочди ва сиёсий бошпана олди. Кўп ўтмай, Нью-Йоркда унинг «Мен ўзимнинг сўроқ қиламан» номли китоби нашрдан чиқди. Мазкур китобда Листевнинг ўлими билан боғлиқ маълумотлар бор. Хусусан, Литвиненко ўзининг Курган жиноятчилар гуруҳидаги ҳуфизисидан ахборот олганини ёзади. Хуфиз унга Листевни ўлдирган кишини йўқ қилиш топширигини олиши мумкинлигини хабар берган. У агар шундай топшириқ олса, қотилни ҳуқуқи муҳофаза қилиш идораларига топширишини айтган.

Литвиненко бу ҳақида президент ҳавфсизлиги хизмати бошлиғи Александр Коржаковга хабар беради. У ҳуфизининг фамилиясини эшитиб, «у фарибгар» деган. Шунга қарамай Коржаков Литвиненко кабинетдан чиққандан сўнг бош прокурор вазифасини бажарувчи Алексей Илюшенкога кўнгирок қилган. Улар бир неча минут гаплашган. Шундан сўнг Илюшенко Кремлга келиб Литвиненконинг докладыни эшитчак, прокуратурага бундай ахборотнинг кераги йўқлигини айтди.

Бу галати қўринадди. Тергов давомида жиноят ҳақида бирор-бир ахборот олиш учун юзлаб гувоҳларни, ҳатто Сибир зоналаридан келтириб

бўлса ҳам сўроқ қилишди. Бу ерда эса муҳим ахборотга қизиқишмапти.

«Мен қўчоқ подполковника, Лондонга кўнгирок қилдим», — дейди журналист ва мазкур суҳбатчи сўзлаб берди.

— Коржаков ва унинг ўринбосари Рогозин Листев ишига гарчи алоқаси бўлмасада, жуда қизиқишарди, — тушунтирди Литвиненко.

— Шунга қарамай сиз унга ахборот бериб тургансиз.

— Менга раҳбариятдан шундай буйруқ беришган. Коржаковга менда ахборот борлиғи маълум бўлгач, ФХХ директорининг биринчи ўринбосари Сафонов орқали мени қўлдиришди.

— Курган гуруҳи ҳақида ана бир эпизодни ёзгансиз. «Матросская тишина»да қамоқда ўтирган икки кишидан бири бир неча буюртма қотилликлар, жумладан, Листевнинг ўлими тўғрисида маълумот бермоқчи бўлган. Тез орада уларни ўлдиришган. Нима учун икковини? Ахир улардан бири айтмоқчи бўлганди-ку?

— Мен улардан қайси бири эканлиги ва унинг исмини билмас эдим. Билдиришмоқда икки курганлик ҳақида ёзган эдим. Билдиришмома билан танишган ва уни топширганлар ҳам курганликлардан қайси биридан хавфсизлини билишмаган. Шунинг учун шундай ҳаракат қилишган.

— Китобингизда ФХХ ҳомийлигидаги «Стелс» хусусий қўриқлаш ташкилоти ҳақида ёзгансиз. ФХХнинг махсус бўлими ҳам инсонларни ўлдириш билан шуғулланганини тасдиқлайсиз. Бунга далилларингиз борми? — Мен ҳеч нарсани тасдиқламай-

ман. Мен ўзимга маълум бўлган манбага асосланиб маълумот берганман. «Стелс»да ишлаган шахс унга фирма раҳбарияти баъзи объектларнинг адресини аниқлашни буюрган. Унинг жойлашиши, подъезд, уйга кириш йўллари ўрганилган. У Листевнинг подъездда ҳам шундай қилган. Кейин схема чизиб, ахборот берган. Журналист ўлдирилгандан кейин телевидение жиноят жойини кўрсатганда у ўша жойни таниди. Фирма ходими Листевнинг ўлимидан сўнг, у ўрганган жойларини текширган ва қотиллик содир бўлгани-

дан муддатидан олдин овоз қилишин, қуроллантиришган ва чечен жангариларига қарши курашиш ва йўқ қилиш ниқоби остида ҳаракат қилишган. Уларнинг ҳисобида ҳам ўнга яқин қотилликлар бор. Кейин маълум бўлишича, Сокольниковда жойлашган ва бош разведка бошқармасига бўйсунган 45-полк ҳам кам сонли ҳарбийлардан ташкил топган бўлиб, махсус операцияларни ўтказиш учун тайёрланган. Тергов жараёнида аниқланишича, Холодновни шулар ўлдиришган.

Қайси замон ва маконда бўлмасин, журналистларга осон турти бўлмайдими. Мазкур мақола-ни тайёрлаш жараёнида яна бир хабар эшитдик: «Журналист Георгий Гонгадзе-нинг ўлимига оид жиноят иши очилди», — дея хабар беради Украина бош прокурори Святослав Пискун.

Маълумотларга қўра, Гонгадзе-нинг ўлимида Украина ИИБ ташки кузатув бошқармасининг собиқ раҳбари генерал Алексей Пушакнинг қўли борлиги аён бўлмоқда. Бош прокуратура ҳозирги пайтда Гонгадзе иши бўйича аниқ далилларга эга эмас. Пискуннинг сўзларига қўра далиллар тўпланмоқда.

Эслатиб ўтиш жоизки, «Украинская правда» интернет-нашрининг бош муҳаррири Георгий Гонгадзе 2000 йил 16 сентябр кун бадарак йўқолган эди. Шу йилнинг кузига унинг бошсиз танаси топилган. Украина ИИБ ташки кузатув бошқармасининг собиқ раҳбари генерал Алексей Пушак 2003 йилнинг октябр ойида ҳибсга олинган. Унга иш ҳужжатларини, айнан тезкор гуруҳнинг журналистни кузатиш жараёнидаги ҳисоботлардан айрим қисмларини йўқотиш айби қўйилган.

Соҳиба ХАЙИТБЕКОВА
тайёрлади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Бош прокуратура хузуридаги Солиқ ва валютаси оид жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлигининг ўринбосари Саитакбар Рузиевга отаси

Эгамберди РУЗИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ифтор этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ ва валютаси оид жиноятларга қарши курашиш департаменти жамоаси департамент бошлигининг ўринбосари Саитакбар Рузиевга отаси

Эгамберди отанинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

2005-yil 22-iyun



TO'XAT O'RNIDA



БАРАКАЛИ УМР

Инсон умрини оқар дарёга ўхшатишлари бежиз эмас. Вақтнинг ўтишини қарангки, бугун ҳамкасбимиз Нуриддин Окназаров табарруқ эллиқ ёшга қаршилаб турибди!

Инсон борки, ҳаёти давомида ўздан яхши ном қолдиришга ҳаракат қилиб, адолат ва эзгулик каби юксак орзу-умидлар йўлида курашиб яшайди. Ҳамкасбимиз амалга оширган ибратли ишлар ҳақида кўп эшитганимиз, кўрганмиз. Журналистика соҳасида ҳам салкам ўттиз йиллик хизмати сафдошлари ўртасида

фахр билан гапирилади.

Касбга садоқат, иймон-этикод, фидойилик, адолатпарварлик билан амалга оширган ишлари унга эл-юрт олдида ҳурмат-эътибор келтирди.

Мана шундай табарруқ кунларга етишишнинг ўзи жуда катта бахт. Бу ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Биримизга устоз, биримизга дўст бўлмиш ҳамкасбимизга ҳавас қилса арзийди. Фарзандлари ҳам у каби юқори мартабаларга ва юксак камолотга эришини истаймиз.

Умрингиз узок бўлсин, Нуриддин ака!

Ҳамкасб дўстларингиз



Байрамларимиз бор бўлсин...



HAJIVIYA

Уни яна устоз десам, тилим келсин! Балки бу улғу сўзнинг уволли түпиб, шундай ҳолга тушгандирман? Масъул котибимиз Анор Норбекович заифа зотини онам деб қақиради. Қизиж, у фаррош хотиннинг не-не гўшалардаги ҳунарларини кўрса нима деркин?

Ундан андоза олган жингалак сочили мусаҳҳиҳ Вали Восиж бўлса ҳаммани отам дейди. Юз грамм отиб олганида Пўстак лақабли бу кишининг оталари кўпайиб кетади. Ҳали бўйдоқ бўлишимга қарамай мени ҳам...

Бировларни билиб-билмай устоз дейишим шундан бошланди. Пешонаси ярқираган бўлим мудиримиз катта жойга кўтарилиб кетгач, ҳаловатим йўқолди. Унингга кимни қўйишаркин? Зора каминани... Ахир қанча танловлар қолиб бўлганимни, зўр мақолаларим «Газеталар шарҳи»да мақталаётганини ким билмайди! Биров билиб билмасликка олиши мумкин, бирок бош муҳарриримиз Дони Окилевич қаламашларга ғайрилик қилмаслигига ишонаман.

Амал талашаяпти деманг. Гап шундаки, Пўстакка ўйлаш бир савлатин кўрурми мудир қилиб қўйишларидан юрагим безиллайди. Ёзиш қўлидан келмайдиганлар ҳақиқий ижодкорнинг кушандаси бўлади. Бировнинг ижодини бузиш учун нима-лар қилишмайди дейсиз. Биринчи усули — «тахрир». Қўлига қизил қалам олади-да, мақоламда учраган «сабабли» сўзини «туфайли», «аммо»ни «лекин» деб ўзгартираверади.

Иккинчиси — қадамни пойлаб юради. Бошқа тахририятларга чиқдим дегунча айюҳаннос солади. Гўё интизомсизлик қилган бўламан.

Учинчиси — мақолаларим бошқа нашрларда ёритилмас, тўғри тексари кийишари; ўзимизнинг газетга қилиб ўзгаларга ишлагани деб гап тарқатилади. Ҳақиқат учун курашмайсанми дейсизми? Тахририятда тартиб шунча: бўлим мудирига гап қайтарган ҳодим шаккоқ ҳисобланади. Унақалар бош муҳаррирга ёқмаслигини билиб, бундан тегинади. Ишқилиб бўлимдан ип ўтказиб олишса бас...

Бош муҳаррирга дилимдагини дангал айта олмаيمان. У киши ҳар қанча оқил-у доно бўлмасин мени амаллараст экан деган фикрга бориб қолса, иш расво бўлади. Мудирликка ўзимни ўзим тавсия этишимни унча-мунча одам ҳазм қилолмаслигини аниқ...

Бирор жўяли киши, масалан, масъул котиб айтсачи? Мана бу бошқа гап! Ўзим бўлай дегандан кўра юз бора маъжурроқ йўли шу!

Бу гапни унга қандай тушунтираман? Пўстакка ўхшаб «отам» дейишдан бошласаммикан? Йўқ! Азимас мансаб учун ҳар кимни ота деявериш ярамайди! Топдим: устоз дейман! Соғина аллақачон қиров инган Анор Норбекович кичкина одам эмас-ку! Гарчи қалам тебратмасида, тахрирга уста, қолаверса, газетга устоз чикайди. Қайси саҳифага қанақа мақола жойлаштириш, қай бир ҳарф қандақ чикаши унинг қўлида. Бош муҳаррир у билан маслаҳатлашади. Қадрлар масаласида ҳам очик гаплашса керак...

Масъул котиб хонасига серкандо бўлиб қолдим. Ҳар гал салом қанда бўлмайди. Қироат билан устоз десам, Анор Норбековичнинг аввалгига энсаси қотди. Унга ҳеч қим ўзини шоғирд ҳисобламаслигини билса-да, индамади. Ҳушмадим ёқаётгани кўзқўздан аён бўларди. Шунга яраша манзират қила бошлади.

Ишларим юршаётганини қўриб, хулоса чиқардим: «Илгарироқ фалончиргаам шунақа муомала қилганимда, аллақачон ишим битиб, эшағим лойдан ўтиб кетаркан!...». Шу-шу, устозларим кўпайиб кетди. Ишим тушган зот борки, барчаси устоз! Навбатчи бўлган куним Пўстакни ҳам устоз дейман. Ўзида йўқ суюниб кетган мусаҳҳиҳ бунга жавобан қайта-қайта «отам»лайди... Ҳаммаси яхши-у, бўлим мудирлигидан дарак бўлмагани сал-пал қўнғилини хижоли қилади-да. Мафкура бўлимини заррача оқсатмаётган бўлсам... Наҳот шу ташқили масала раҳбариятимизнинг хаёлидан фаромуш бўлаётган бўлса? Охири Анор Норбековичга дангал айтишга қарор қилдим.

Муддаомни англаган масъул котибининг пешонаси тиришди. Ўзоқ чайналди. Ёш бўлатуриб амал талашиб менга ярашмаслигини тушунтирган бўлди. Сўнг неғадир муносабати ўзгарди қолди. Ўттирсам ўпос, турсам сўпос, бўлдим-қолдим. Менга қўлини қанча

УСТОЗНИНГ



лик би-

гиз қилса, собиж ҳамкурси — ўша Пўстакни шунча ҳаспўшлайдиган одат чиқарди. Ҳатто бир гал теккизиб шундай деди: «Телевидение-лар шарҳловчиларга айтиб қўяман; кимнинг мақоласини мақташни аввал ўзимиз билан келишим. Шухрат чўққисини ўйлаган баъзи ёшларнинг шов-шув кетидан қувадиган мақола-лар ёзишга тоқат қилиб бўлмайди!».

«Ўйин» сабаби бир зифатда ош-

кор бўлди. Бош муҳаррирнинг ёни-

насида ўтирган Анор Норбекович гўё

қадақ сўзи айтган бўлиб, томдан та-

раша тушгандек гапларни қалаштир-

ди.

— Толмас Ташбек ёш бўлса-да...

— у ўқиб қолди. «...ёш бўлса-да, яхши журналист!» қабилидаги гаплар да-

вом этишдан умид қилардим. Афсуски,

гап нишаби бошқа ёққа бурлиди.

— ...анчагина қувлиги бор. Бизнинг соҳада бунақаси кетмайди. Хафа

бўлсам юзига айтмоқчиман; худди

масҳара қилгандек қайдаги қаланги-

қасангиларга қўшиб мени устоз дейи-

шни ҳазм қилолмайман. Очиги,

ҳажратдек туюлаверади. Мен-ку ала-

мимни инга қотиб ўрганганман. Бирок

Дони Окилевичга ҳам, у кишига

ғайрилик қилган босмахона директо-

рига ҳам бирдек устоз дейиши қайси

қушқонга сигади? Оғзи катталиги

билан донг таратган ўша Ўлмас Со-

битович сиз қўйиб: «Икки гапнинг би-

рида устоз деб жонга тегадиган Таш-

бекнинг ўйлаб қадам боссин!» — деб

қалажа қилди. Тахририятимиз обрўсига

пўтур етказгани камлик қилгандек,

устоз деган мўътабар сўзи шу қадар

УСТОЗИ

бачқаналаштиришдан муддаоси нима устоз?

Вой, номард-ей! Ҳали мен қулош-қондан чиқибманми? Ўзларинг ота, онадек муқаддас номларни ундан баттар қилаётганларининг нима деб аташ керак? Тағин уволли тутиб, «онам», «отам»-лаб қолманлар! Қанинчи ҳозир башарасига шу гапларни шорт-шурт айтишнинг илоҳи бўлса!

Томоғимга нимадир тикилди. Уҳ, қанчалик устамонлик қилди-я. Нақ ишонига урди! Иббот талаб қилишга ҳождат қолмайдиган гап билан боғлади-я! Ўлмас Собитовичнинг сиз қўққани ростишми? Йўқ, унинг шунақили аҳмоқ, бачқана эканлигига ишонмайман. Гапим ёқмаси юзимга шартга айтиб қўя қоларди. Орқаваротдан майда-чуйда гап қиладиган одам-мас! Ҳаммаси масъул котибнинг иши! Энди бу гап тўхматлигини исбот қилган тақдирингда ҳам заррача фойдаси йўқ. Пичоқни уриб бўлгач, узр сўрашнинг аҳамияти қолмагани каби биров номидан отилган ўқ қиларини қилиб қўлганди...

Илон қаққандек сакраб кетдим. Ахир масъул котиб ўзи қовун туширганида унинг хатосини тўғрилаш учун босмахонага бўзчининг моқисидек юргуган эдим-ку? Муроси мадора учун ўшанда босмахона директориини ҳам...

Хижолатдан қутулиш илинжида бош муҳаррирга вазиятни ётиғи билан тушунтирмақчи бўлдим:

— Устоз...

Дони Окилевич «бас!» дегандек

қўлини шахд кўтарди:

— Менга устоз деманг!...

«Ўйин»да қилиб чиққан даҳшатли

ўйинчи ҳам палаҳмон тошини отиб

қолди:

— Мени ҳам!...

Худо урганини пайғамбар ҳассаси билан туртгандек, «ўйин»дан Пўстак ҳам четда қолмади. У гўё даврага тушган совуқчиликнинг олдини олмоқчи-дек лўқма ташлади:

— Аммо лекин, мени бемалол устоз деяверинг!...

Кайфи ошгандек қўринса-да, неғадир бу гап отам демади. Гўё мен бунга арзимайдигандек галати қараб қўйди. Шу қарашда ойнаги ортдан ҳақиқий қўзларини кўриб қолдим; у ҳеч қанақа маст эмасди! Демак...

Келишиб олгандек масъул котибимиз энди муддаога ўтди. Мен томон қўлини биғиз қилганча чертиб-чертиб гапирди:

— Айтса-айтмаса Вали акангизни устоз десангиз арзийди! Унинг тарбиясини олсангиз ютқазмайсиз. Ишини жимгина билиб қилади. Сиздан бўлти-беш қўлақни кўпроқ йиртган бўлишига қарамай амал талашмаган! Аксинча, бирор лавозимга биз тақлиф этсак-да, ўйлаб, зўра рози бўлади. Бош муҳарриримиз масъул деса, Вали Восижни шу бўлимга мудир этиб тайинлашнинг фурсати етган!...

Бош муҳарриримиз сукут сақларди.

Муродига етгандек масъул котиб билан Пўстак бунга аломати ризо деб тушундилар шекилли, қадақ уриштиришди. Шароб эмас, кимдир хароб бўлганидан сармаст эди улар. Ҳозирданқў ўзини менга «амалий устоз» ҳисоблаётган Вали Восиж ўзининг устозига ялтоқи хотиндек мастона боқар, Анор Норбекович эса навбатдаги «ўйин»ни бошлай-мизми дегандек сирли иш қўқар эди. Юрагимга нимадир ханжардек ботди.

Қоқ пешонамдан қақмоқ ургандек бўлди.

Бўлим мудирлиги бошидан қолсин, шу топда мен ундан минг чандон қимматроғини бой бергандим — Дони Окилевичдек ҳақиқий устозимни ўзи ном билан аташдан ўзимни ўзим жудо қилгандим.

Қайдаги қаланги-қасангиларни устоз деган тилимни узиб олгудек тишлардим...

Тўлқин ЭШБЕК

HUQUQ

yuridik gazeta

To'g'rischi:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Abdusolliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Bahridin VALIYEV, Abdusolim XOLMAHMATOV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vafzafasini bajaruvchi), G'afurjon ALIMOV (mas'ul kotib vafzafasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66.

Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalari qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma **Г** — 561.14584 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Navbatchi muharrir: **A.MUSTAFOVULOV** Musahhih: **A.MUSTAFOYEVA** Sahifalovchi: **X.HAMIDOV**

Gazeta «SEAL MAG» rangli bosma markazida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Qori Niyozov ko'chasi, 39-uy.

Sotuvda
erkin narxda